БУТУН ДУН'Е ПРОЛЕТАРЛАРИ, БИРЛАШИНГИЗ!

ТОШКЕНТ ҲАҚИҚАТИ

УЗБЕКИСТОН КП ТОШКЕНТ ОБЛАСТЬ, ШАҲАР КОМИТЕТЛАРИ, МЕҲНАТКАШЛАР ДЕПУТАТЛАРИ ОБЛАСТЬ ВА ШАҲАР СОВЕТЛАРИНИНГ ОРГАНИ

№ 99

27 ИЮНЬ ЯКШАНБА 1954 ЙИЛ

БАҲОСИ 20 ТИЙИН.

КПСС Марказий Комитетининг Пленуми колхозчиларнинг меҳнат соҳасидаги активлигини ҳартомонлама ошириш, колхозларда меҳнат интизомини мустаҳкамлаш ва меҳнат унумини ошириш—экинларни парвариш қилиш, пичан ўриш, қишлоқ хўжалик экинларининг ҳосилини йиғиб-териб олиш ҳамда дон ва бошқа маҳсулотларни тайёрлаш ишларини муваффақиятли ўтказишнинг ҳал қилувчи шартларидан бири деб ҳисоблайди

(КПСС Марказий Комитети Пленумининг қароридан)

Совет Иттифоқи Коммунистик партияси Марказий Комитетининг Пленуми тўғрисида

ИНФОРМАЦИОН БИЛДИРИШ

Яқинда Совет Иттифоқи Коммунистик партияси Марказий Комитетининг Пленуми бўлиб ўтди.

Пленум кўкламги экишнинг якунлари, экинларни парвариш қилиш, ҳосилни йиғиб-териб олишга тайёргарлик кўриш ва 1954 йилда қишлоқ хўжалик маҳсулотларини тайёрлаш планининг бажарилишини та'минлаш тўғрисидаги масалани кўриб чиқди. Пленум бу масала юзасидан СССР қишлоқ хўжалик министри ўртоқ И. А. Бенедиктовнинг, РСФСР қишлоқ хўжалик министри ўртоқ П. П. Лобановнинг, СССР совхозлар министри ўртоқ А. И. Козловнинг, РСФСР совхозлар министри ўртоқ Т. А. Юркиннинг ва СССР тайёрлаш министри ўртоқ Л. Р. Корнийцнинг докладларини тинглади ва муҳокама қилди ҳамда тегишли қарор қабул қилди.

Кўкламги экишнинг якунлари, экинларни парвариш қилиш, ҳосилни йиғиб-териб олишга тайёргарлик кўриш ва 1954 йилда қишлоқ хўжалик маҳсулотларини тайёрлаш планининг бажарилишини та'минлаш тўғрисида

КПСС Марказий Комитети Пленумининг 1954 йил 24 июньда қабул қилган қарори

Социалистик қишлоқ хўжалигининг ҳамма тармоқларини янада зўр куч билан юксалтириш ва кенг исте'мол моллари ишлаб чиқаришни кўпайтириш бўйича Коммунистик партия ва Совет ҳукумати томонидан амалга оширилаётган тадбирлар умумхалқ томонидан ма'қулланди ва ишчилар, колхозчи деҳқонлар ҳамда интеллигенция орасида меҳнат гайратини ғоят юксалтириб юборди.

Кейинги вақтларда Партия ва Ҳукумат қишлоқ хўжалик маҳсулотлари етиштиришни кўпайтиришда колхозлар ва колхозчиларнинг моддий манфаатдорлигини ошириш юзасидан бирқанча янги тадбирларни амалга оширдилар. Толали зигир ва конопля етиштиришни рағбатлантирадиган тадбирлар белгиланди.

Қишлоқ хўжалигини янада мустаҳкамлаш соҳасида Партия ва Ҳукумат томонидан қилинган катта ишлар колхозларга, МТСларга ва совхозларга кўкламги экишни анча уюшқоқлик билан ўтказишга ва қишлоқ хўжалик ишларининг сифатини оширишга имкон берди. Дон экинлари анча қисқа муддатларда яхши сифатли қилиб экиб олинди. Кўкламги экишда квадрат ва квадрат-уялаб экиш ҳамда чопиқ қилинадиган экинларни ўтказиш усуллари бу йил биринчи марта кенг миқ'ёсда қўлланилди. Маҳаллий ва минерал ўғитлардан яхшироқ фойдаланилди.

Бу йил кўкламда колхоз ва совхозлар баҳори экин экиш давлат планини ошириб бажардилар ва 1953 йилдагига қараганда 9,5 миллион гектар кўп экин экдилар. Колхозлар, МТСлар ва совхозларнинг бу муваффақиятлари экин майдонларини анча кенгайтириш ҳамда донинг ва бошқа қишлоқ хўжалик экинларининг ялпи ҳосилини кўпайтириш учун социалистик қишлоқ хўжалигида нақадар катта резервлар борлигини ва партия ташкилотлари ташкилотчилик ишларини лозим бўлган даражада олиб борганларида мана шу резервларни қишлоқ хўжалигини янада зўр куч билан ривожлантириш манфаатлари йўлида қисқа муддатлар ичида қандай қилиб ҳаракатга келтириш мумкинлигини кўрсатади. 1953 йилдагига нисбатан баҳори дон экинлари экиладиган экин майдонлари 6.429 минг гектар кўпайтирилди, шу жумладан, буғдой экиладиган майдон 3.583 минг гектар. дон олиш мақсадида маккажўхори экиладиган майдон 756 минг гектар кенгайтирилди. Пахта экилган майдон 354 минг гектар кўпайтирилди, қандлавлаги, кунгабоқар, сабзавотлар, ем-хашак ва силос экинлари ҳам ўтган йилдагига қараганда кўп экилди. МТСларнинг колхозлар билан тузган шартномаларида ўз зиммаларига олган мажбуриятларини бажариш соҳасидаги ишлари яхшиланди. Бу йил кўкламда колхозларда трактор ишлари (ҳайдалган ерга айлантириб ҳисобланганда) ўтган йилдагига қараганда 18.674 минг гектар кўп бажарилди. Трактор ишларининг сифати оширилди.

КПСС Марказий Комитетининг Пленуми қўриқ ва бўз ерларни ўзлаштириш вазифаси колхозчилар, МТС ва совхоз ходимлари томонидан, шунингдек шаҳар аҳолиси томонидан қизғин суратда қўллаб-қувватланганлигини ва умумхалқ иши бўлиб қолганлигини таъкидлайди. Партия ва Ҳукуматнинг чақириғи билан қўриқ ва бўз ерларни ўзлаштирмоқ учун МТСлар ва совхозларга ҳозирланок 140 мингдан кўпроқ киши келди ва ишга актив киришди. Колхозлар ва совхозлар қўриқ ва бўз ерларда дон экинларини экиш юзасидан берилган давлат топшириғини ошириб бажардилар. Планга мувофиқ 2,3 миллион гектар экилиши лозим бўлгани ҳолда ҳақиқатда 3,6 миллион гектар қўриқ ва бўз ерларга дон экинлари экилди. Келгуси йилда ҳосил олмоқ учун қўриқ ва бўз ерларни очиш ишлари муваффақиятли бормоқда. Янги ерлар ўзлаштирилаётган районларда 1954 йил кўкламида ҳайдашга яроқли ерларнинг умумий майдони 2.532 минг гектар бўлган 124 та ғалла совхози ташкил қилинди. Қўрик ва бўз ерларни ўзлаштираётган МТСларга ва совхозларга шу йилнинг кўкламигача 50 минг трактор (15 от кучига айлантириб ҳисобланганда), 6.300 юк автомашинаси ва бошқа кўпгина машиналар, асбоб-ускуналар ҳамда материаллар элтиб берилди. Янги ғалла совхозларида уйжой ва ишлабчиқариш бинолари қуриш учунгина 400 миллион сўм пул ажратилди ва 250 минг квадрат метр стандарт уйлар юборилди

КПСС Марказий Комитети Пленуми ҳисоблайдики, мамлакатда умуман кўкламги экиш муваффақиятли ўтказилганлиги билан бир қаторда СССР Қишлоқ хўжалик министрлиги, СССР Совхозлар министрлиги, айрим областьларнинг, ўлкаларнинг ва республикаларнинг партия, совет ва қишлоқ хўжалик органлари кўкламги дала ишларини яхши ўтказиш учун ҳамма имкониятлардан фойдаланмадилар ва айрим экинларни экиш юзасидан берилган давлат планининг бажарилишини та'минламадилар. Калинин, Смоленск, Кострома, Новгород, Ярославль, Иваново, Псков, Великие Луки, Вологда ва Иркутск областьларининг партия, совет ва қишлоқ хўжалик органлари кўкламги экишга тайёргарлик кўриш ва уни ўтказиш ишларига ёмон раҳбарлик қилдилар, бунинг натижасида ўша областьларнинг колхозлари, МТСлари, совхозлари кўкламги экишни чўзиб юбордилар, агротехниканинг қўпол равишда бузилишига йўл қўйдилар ва баҳори экинлар экиш давлат планини бажармадилар. Гарчи бутун мамлакатда картошка 1953 йилдагига қараганда 84 минг гектар кўп экилган бўлса-да, лекин мазкур областьларнинг партия ва совет органлари энг муҳим техника экинларини—толали зигирни, шунингдек картошкани экиш юзасидан берилган давлат планини бажаришни та'минламаганликлари айниқса йўл қўйиб бўлмайдиган иш бўлди.

Латвия ССР, Эстония ССР, Тула, Владимир, Киров, Калуга, Горький, Молотов ва Свердловск областьларининг партия, совет, қишлоқ хўжалик органлари, колхозлари ва МТСлари картошка экиш планининг бажарилишини та'минламадилар.

Белгород, Балашов, Саратов, Сталинград, Куйбишев ва Чкалов областьларининг партия, совет ва қишлоқ хўжалик органлари колхозларда кунгабоқарни квадрат-уялаб экиш усулини кенг қўлланиш учун лозим бўлган чораларни кўрмадилар.

Кўпгина МТСларда ва совхозларда машина-трактор паркини ремонт қилиш ёмон ташкил этилганлиги, машиналарга зарур техника қарови бўлмаганлиги ва машиналардан фойдаланиш қоидалари жиддий равишда бузилганлиги сабабли, тракторларнинг анчагина қисми кўкламги экиш қизғин бораётган пайтда ишламай бекор гуриб қолди. Белоруссия ССР, Қозоғистон ССР, Литва ССР, Горький, Тула, Кострома областьлари ва Мордва АССР МТСлари ва совхозларида тракторларнинг бекор туриб қолишлари айниқса кўп бўлди. Машина-трактор паркининг ишларини ташкил қилишда жиддий камчиликлар борлиги сабабли, МТСларда ва совхозларда тракторчиларнинг иш унуми ҳали ҳам паст бўлиб келмоқда ва кўкламги экиш даврида кўпгина тракторчилар смена иш нормаларини бажармай қолдилар.

КПСС Марказий Комитетининг Пленуми машина-трактор станцияларининг ишларини янада анча яхшилаш, тракторлар ва қишлоқ хўжалик машиналаридан фойдаланишдаги кўрсатиб ўтилган камчиликларни йўқотиш, машина-трактор паркининг иш унумини қат'ий равишда ошириш ҳамда далачиликда ва чорвачиликда ҳамма МТСларнинг колхозлар билан тузган шартномаларида ўз зиммаларига олган мажбуриятларининг муддатлари, иш турлари ва сифати бўйича бажариш зарурлигига партия ташкилотларининг, совет ва қишлоқ хўжалик органларининг алоҳида э'тиборини жалб қилади. СССР Қишлоқ хўжалик министрлиги, маҳаллий партия ва совет органлари машина-трактор станцияларининг ишларига раҳбарлик қилишни яхшилашлари, техникадан юқори унумли қилиб фойдаланиш ва техникани сақлаш, трактор ишларининг сифатини яхшилаш ва колхозларни ташкилий-хўжалик жиҳатидан янада мустаҳкамлаш учун уларнинг мас'улиятини оширишлари зарур.

КПСС Марказий Комитети Пленуми қўриқ ва бўз ерларни ўзлаштириш ишларининг СССР Совхозлар министрлиги ва СССР Қишлоқ хўжалиги министрлиги томонидан ташкил қилинишида жиддий камчиликлар борлигини қайд қилади.

СССР Совхозлар министрлиги қўриқ ва бўз ерлар ўзлаштирилаётган районларда янги совхозлар ташкил қилишда, раҳбар кадрларни ва мутахассисларни танлашда сусткашлик қилди. Кўпгина совхозларда қўриқ ва бўз ерларни ўзлаштиришга келган кадрлардан фойдаланиш ва уларга маиший шароит яратиб бериш қониқарсиз ташкил қилинган.

Янги ғаллакор совхозларда қурилиш ишлари суст бормоқда. Ишчилар кўп бўлгани ҳолда, стандарт уйларни йиғиш ва монтаж қилиш ҳамда маҳаллий бинокорлик материалларини тайёрлаш ишлари қониқарсиз ташкил қилинган. СССР Ўрмон саноати министрлигининг айби билан стандарт уйлар қўриқ ва бўз ерлар ўзлаштирилаётган районларга бут қилиб юборилмаётир ва техника ҳужжатлари билан та'минланмаётир, бу эса стандарт уйларни йиғиш ва ўрнатиш ишларини қийинлаштириб қўймоқда.

Ишни ташкил қилишдаги камчиликлар сабабли, РСФСР Министрлар Совети, Қозоғистон ССР Министрлар Совети, СССР Қишлоқ хўжалиги министрлиги ва СССР Совхозлар министрлиги қўриқ ва бўз ерларни ажратиб беришда хатоларга йўл қўйилар, айрим районларда ҳайдаш учун кичик, парча-парча участкалар берилди, баъзан эса, яхши унумдор яхлит ер массивлари бўлгани ҳолда шўрхок ерлар ҳам берилди.

СССР Қишлоқ хўжалиги министрлиги, СССР Совхозлар министрлиги, Автомобиль, трактор ва қишлоқ хўжалик машинасозлиги министрлиги айби билан техника бут (комплект) ҳолда ва ўз вақтида етказиб берилмади. Трактор плугларини, дон сеялкаларини, тракторга тиркаб ишлатиладиган машиналар, автоцистерналарни, автозаправщикларни, автомашиналарга ўрнатилган кўчма мастерскойларни ва нефть идишларини қўриқ ва бўз ерлар ўзлаштирилаётган районларга юбориш ишлари айниқса ёмон ўтказилди. Техникадан ёмон фойдаланиш фактлари рўй бермоқда, қўриқ ва бўз ерларни ишлаш сифати қўпол равишда бузилишига—саёз ҳайдашга, ер қатламини тўла ағдармай ҳайдашга, ўз вақтида борона бостирмасликка йўл қўйилмоқда.

Центросоюз, РСФСР Министрлар Совети, Қозоғистон ССР Министрлар Совети, Қозоғистон КП Марказий Комитети, Олтой ўлка партия комитети ва ўлка ижроия комитети, Чкалов, Саратов, Челябинск, Курган, Омск, Новосибирск, Кустанай, Кўкчатов, Павлодар, Шимолий Қозоғистон ва Акмолинск область партия комитетлари ва область ижроия комитетлари қўриқ ва бўз ерлар ўзлаштирилаётган районлардаги совхозлар ва МТСларда савдо-сотиқни ўз вақтида авж олдириш ва ишчиларга, хизматчиларга ҳамда мутахассисларга лозим бўлган даражада маиший хизмат кўрсатиш учун зарур чораларни кўрмадилар.

КПСС Марказий Комитетининг Пленуми шуни қайд қилиб ўтадики, Автомобиль, трактор ва қишлоқ хўжалик машинасозлиги министрлиги бирқанча маркалардаги тракторлар ва қишлоқ хўжалик машиналарини ишлаб чиқариш топшириқларининг бажарилишини та'минламади. Минск трактор заводи айниқса қониқарсиз ишлади, бунинг натижасида «Белорусь» тракторларини қишлоқ хўжалигига етказиб бериш плани бажарилмай қолди.

Мамлакатнинг шарқий ва шарқи-жанубий районларида қўриқ ва бўз ерларни ўзлаштириш соҳасида авж олиб кетган ишларни ишлатилмаётган унумдор кенг ер массивларини дон етиштиришни, шунингдек бошқа қишлоқ хўжалик маҳсулотлари етиштиришни кўпайтириш учун ишга солиш соҳасида умумдавлат миқ'ёсида қилинаётган катта ишларнинг фақат бошланиши деб ҳисоблаб, КПСС Марказий Комитетининг Пленуми СССР Қишлоқ хўжалик министрлигига, СССР Совхозлар министрлигига, РСФСР Министрлар Советига, Қозоғистон ССР Министрлар Советига ва Қозоғистон КП Марказий Комитетига Қозоғистон ССРнинг шимолий областьларидаги, Сибирьдаги, Поволжьедаги ва мамлакатнинг бошқа районларидаги ер фондини текшириб чиқиш ҳамда фойдаланилмайётган қўриқ ва бўз ерларни, асосан, янги совхозлар ташкил қилиш йўли билан қишлоқ хўжалик оборотига қўшимча равишда жалб қилиш тўғрисидаги, колхозларга биркитиб қўйилган ерлардан фойдаланишни яхшилаш чоралари тўғрисидаги таклифларни 1954 йил 15 октябрьгача Ҳукумат муҳокамасига тақдим этиш вазифасини юклайди.

КПСС Марказий Комитетининг Пленуми колхозчиларнинг меҳнат соҳасидаги активлигини ҳартомонлама ошириш, колхозларда меҳнат интизомини мустаҳкамлаш ва меҳнат унумини ошириш — экинларни парвариш қилиш, пичан ўриш, қишлоқ хўжалик экинларининг ҳосилини йиғиб-териб олиш ҳамда дон ва бошқа маҳсулотларни тайёрлаш ишларини муваффақиятли ўтказишнинг ҳал қилувчи шартларидан бири деб ҳисоблайди. Аммо, бирқанча областьларда партия, совет ва қишлоқ хўжалик органлари колхозларни ташкилий-хўжалик жиҳатдан мустаҳкамлаш ва колхозчиларнинг меҳнат интизомини ошириш ишига лозим бўлган даражада э'тибор бермаётирлар.

Иттифоқчи республикалар Компартияларининг Марказий Комитетлари, ўлка, область ва район партия комитетлари, республикаларнинг Министрлар Советлари, ўлка, область ва район ижроия комитетлари колхозларнинг жамоат ишлабчиқаришида ҳамма колхозчиларнинг актив иштирок қилишларини та'минламоқ учун меҳнат интизомини мустаҳкамлаш, меҳнатни уюштиришни яхшилаш ва меҳнат унумини ошириш юзасидан зарур чораларни кўришлари керак.

КПСС Марказий Комитетининг Пленуми СССР Қишлоқ хўжалиги министрлигига, СССР Совхозлар министрлигига, партия, совет ва қишлоқ хўжалик органларига қишлоқ хўжалигига раҳбарлик қилишдаги кўрсатиб ўтилган камчиликларни йўқотиш вазифасини, колхозчилар оммасини ҳамда МТС ва совхоз ходимларини дон ва бошқа қишлоқ хўжалик экинлари ҳосилини анча ошириш ва ялпи маҳсулотини кўпайтириш ҳамда чорвачилик маҳсулотини кўпайтириш учун курашга сафарбар қилиб, экинларнинг ўз вақтида ва юқори сифатли парвариш қилинишини, ҳосилнинг нобуд қилинмай уюшқоқлик билан йиғиб-териб олинишини ва қишлоқ хўжалик маҳсулотларини тайёрлаш ва сотиб олиш давлат планининг ўз вақтида бажарилишини та'минлаш вазифасини юклайди.

КПСС Марказий Комитетининг Пленуми қарор қилади:

I.

Экинларни парвариш қилиш тўғрисида

1. Кўпгина колхоз ва совхозларда қишлоқ хўжалик экинларини парвариш қилиш бу йил яхши уюштирилди. Брок, баъзи область ва районларнинг партия, совет ва қишлоқ хўжалик органлари дон ва техника экинларини, картошка, сабзавот ва бошқа экинларни парвариш қилиш ишларини ўтказишда зарур активликни вужудга келтирмадилар, экинларни ўтоқ қилиш ва уларнинг қатор ораларини ишлаш сифати устидан контрольлик қилмаётирлар.

СССР Қишлоқ хўжалиги министрлиги, СССР Совхозлар министрлиги, область, ўлка партия комитетлари, иттифоқчи республикалар Компартияларининг Марказий Комитетлари, область, ўлка ижроия комитетлари ва республикаларнинг Министрлар Советлари экинларни парвариш қилиш ишларини ташкил этишга колхозчиларнинг, МТС, совхоз ходимларининг ва қишлоқ хўжалиги мутахассисларининг куч ва ғайратини тўплашлари зарур, чунки экинларни парвариш қилиш ишларининг яхши ташкил қилиниши бу йил барча қишлоқ хўжалик экинларидан мўл ҳосил олишнинг энг муҳим шартидир. Ғўза, қандлавлаги, кунгабоқар, маккажўхори, картошка, сабзавот ва ем-хашак экинларининг қатор ораларини ишлаш, чопиш ва уларни озиқлантириш, шунингдек толаси учун экиладиган зигир ва конопля экинларини пухта парвариш қилиш ишларининг ўз вақтида ва юқори сифатли қилиб ўтказилиши та'минлансин, пичан ўриш ва дон экинларини ўриб-йиғиб олиш вақтида экинларни парвариш қилиш ишларининг сусайиб кетишига асло йўл қўйилмасин. Экинларни парвариш қилиш ишлари маҳаллий шароитларга қараб белгиланган мажбурий агротехника талабларига қаттиқ риоя қилинган ҳолда тўла ҳажмда ва ҳамма майдонларда ўтказилсин.

Суғориладиган ерларга экилган техника экинлари, сабзавот ва бошқа қишлоқ хўжалик экинларидан мўл ҳосил олиш мақсадида партия, совет, қишлоқ хўжалик ва сув хўжалиги органлари экинларни ўз вақтида суғориш ва пухта парвариш қилишни, суғориладиган сувдан энг тўғри ва тўла фойдаланишни та'минласинлар. Сув хўжалиги органларини бинокорлик материаллари, машиналар ва ускуналар билан та'минлаш ва уларни малакали кадрлар билан мустаҳкамлаш тадбирларини амалга ошириб, ерларни суғориш ва заҳини йўқотиш ишларининг ўтказилишини анча яхшилаш зарур.

Бу йил колхозлар ва совхозлар анча катта майдонларга маккажўхори, кунгабоқар, картошка, карам ва бошқа ба'зи экинларни квадрат қилиб уялаб экиш ва квадрат қилиб экиш усуллари билан экканликлари сабабли, мазкур экинларни машина ёрдами билан парвариш қилиш ишларини ўз вақтида ва юқори сифатли ўтказиш учун машина-трактор станцияларининг мас'улияти ва роли айниқса ошди. Чопиқ қилинадиган экинларнинг қатор ораларини трактор билан ишлаш планларининг ҳарбир МТС томонидан сўзсиз бажарилишини та'минлаш зарур.

2. СССР Қишлоқ хўжалиги министрлиги, СССР Совхозлар министрлиги, партия, совет ва қишлоқ хўжалик органлари ёзги шудгорларни ўз вақтида ишлашни та'минлаб, шу ерларнинг ўт босиб кетишига ва қатқалоқ босишига йўл қўймасинлар. Ёзда шудгор қилиб қўйилган ерларнинг ҳолатига ва бегана ўтлар пайдо бўлишига қараб, бундай ерлар кузги экинлар экиш бошлангунча культивация қилиб ва бороналаб турилсин. Ёзги шудгор қилиб қўйилган ерларга ерни кучайтириш учун экилган экинларни ўриб олишнинг кечикиб кетишига йўл қўйилмасин ва шу ерларни ўз вақтида ҳайдаб қўйиш ва кузги экинларни экиш олдидан ўз вақтида ишлаш та'минлансин.

3. КПСС Марказий Комитетининг Пленуми чопиқ қилинадиган экинларни ва техника экинларини етиштиришда меҳнатни ташкил қилишнинг звено системасига кейинги вақтларда етарли баҳо берилмай қўйилганлигини нотўғри деб ҳисоблайди, звено системасига мана шундай етарли баҳо берилмаганлиги экинларнинг ғарасизланишига, экинларни парвариш қилишнинг ёмонлашиб кетишига олиб келади ва мўл ҳосил олишда колхозчиларнинг моддий манфаатдорлигини оширишга ёрдам бермайди. СССР Қишлоқ хўжалик министрлиги, партия, совет ва қишлоқ хўжалик органлари колхозларда ишлабчиқариш бригадаларини ҳартомонлама мустаҳкамлаш билан бирга, чопиқ қилинадиган экинларни ва техника экинларини етиштиришда звеноларга ташкил қилишни йўлга қўйсинлар ва звеноларга ўзларига бириктириб қўйилган участкалардан мўл ҳосил олишда ҳартомонлама ёрдам кўрсатсинлар.

4. Қишлоқ хўжалик экинларининг зараркунандаларига ва касалликларига қарши кураш ғоят қониқарсиз ташкил қилинганлиги, бунинг оқибатида кейинги йилларда бирқанча районларда қишлоқ хўжалик экинларининг зараркунандалари ва касалликлари кўпаябошлаганлиги қайд қилинсин. Бундай аҳволнинг асосий сабабларидан бири шуки, заҳар дориворлар билан қишлоқ хўжалигини та'минлаш сра етарли даражада бўлмади. Химия саноати министрлиги заҳарли дориворлар ишлаб чиқаришни кўпайтириш ишида пассивлик қилмоқда ва қишлоқ хўжалигининг эҳтиёжларини заҳарли дориворлар билан қондириш учун зарур чораларни кўрмаётир.

СССР Қишлоқ хўжалик министрлиги, СССР Совхозлар министрлиги ва уларнинг маҳаллий органлари экинларни қишлоқ хўжалик экинларининг зараркунандаларидан ва касалликларидан ҳимоя қилиш ишларини сусайтириб юборганликлари йўл қўйилмаслик бир ҳол деб ҳисоблансин, бу соҳадаги ишларни сусайтириб юборишга ҳеч қандай зарар етказади ва ҳосилнинг анча кам олинишига сабаб бўлади. Берилаётган заҳарли дориворлардан ва мавжуд аппаратлардан ёмон фойдаланилмоқда. Экинларга ва дарахтларга заҳарли дориворлар сепиш ишлари ўз вақтида ўтказилмаётир.

Химия саноати министрлиги қишлоқ хўжалигининг эҳтиёжларини тўла равишда қондирадиган миқдорда заҳарли дориворлар ишлаб чиқаришни ва етказиб беришни та'минламоқ учун зарур чораларни кўрсин.

Автомобиль, трактор ва қишлоқ хўжалик машинасозлиги министрлиги қишлоқ хўжалигининг ҳозирги замон аппаратларига бўлган эҳтиёжларини ҳатто энг кам миқдорда ҳам та'минламаётир, бу ҳам қишлоқ хўжалик экинларининг зараркунандалари ва касалликларига қарши муваффақиятли кураш олиб боришга катта тўсқин бўлмоқда.

СССР Госплани, Автомобиль, трактор ва қишлоқ хўжалик машинасозлиги министрлиги, СССР Қишлоқ хўжалиги министрлиги, СССР Совхозлар министрлиги қишлоқ хўжалик экинларининг зараркунандаларига ва касалликларига қарши курашиш учун керакли машиналарни ва аппаратларни ишлаб чиқариш ва қишлоқ хўжалигига етказиб бериш тўғрисидаги таклифларни ҳамда қишлоқ хўжалик экинларининг зараркунандаларига ва касалликларига қарши курашдаги муассасалар ташкил қилиш тўғрисидаги таклифларни СССР Министрлар Советининг муҳокамасига икки ой муддат ичида тақдим қилсинлар.

II.

Чорва молларни ем-хашак билан та'минлаш тадбирлари тўғрисида

КПСС Марказий Комитетининг Пленуми қайд қилиб ўтадики, СССР Қишлоқ хўжалиги министрлиги, СССР Совхозлар министрлиги, кўпгина областьларнинг, ўлкаларнинг ва республикаларнинг партия, совет ва қишлоқ хўжалик органлари ҳар бир колхоз ва совхозда мустаҳкам ем-хашак базаси вужудга келтириш ишига ҳали чинакам киришганлари йўқ, бу ишдаги катта нуқсонларни йўқотганлари йўқ. Бирқанча область, ўлка ва республикаларнинг колхозлари ва совхозлари бирйиллик ўтлари, силос бўладиган экинларни ва илдиз мева экинларни экиш планларини бажармадилар, экинларни парвариш қилиш ишларини қониқарсиз ўтказмоқдалар. Ўзбекистон ССР, Эстония ССР, Литва ССР, Куйбишев, Астрахань, Иваново, Калинин, Смоленск ва Ярославль областьларининг колхозлари хашаки илдизмева экинларни ва хашаки полиз экинларни экишни айниқса ёмон ўтказдилар.

СССР Қишлоқ хўжалик министрлиги, СССР Совхозлар министрлиги ва уларнинг маҳаллий органлари томонидан қониқарсиз раҳбарлик қилинаётганлиги натижасида кўпгина колхозлар, МТС ва совхозлар бу йил ҳам пичан ўриш ишларини ўтказишга ёмон тайёрландилар, бу ишларни анча кечикиб бошладилар, пичан ўриш билан ўрилган пичанни ғарамлаш ўртасида анча вақт ўтиб кетишига йўл қўймоқдалар, техникадан қониқарсиз фойдаланмоқдалар ва пичан ўриш ҳамда ғарамлаш ишларида колхозчиларнинг ва совхоз ишчиларининг меҳнатини ёмон уюштирмоқдалар. Қозоғистон ССРда, Қирғизистон ССРда, Ставрополь ўлкасида, Саратов, Куйбишев, Сталинград ва Чкалов областьларида пичан ўриш ишлари йўл қўйилмаслик даражада кечиктириб юборилмоқда. Сибирь, Урол ва Болтиқбўйи республикаларидаги кўпгина колхозлар ва совхозлар пичан ўриш ишларини ўтказишга яхши тайёрланмадилар.

(ДАВОМИ ИККИНЧИ БЕТДА)

Кўкламги экишнинг якунлари, экинларни парвариш қилиш, ҳосилни йиғиб-териб олишга тайёргарлик кўриш ва 1954 йилда қишлоқ хўжалик маҳсулотларини тайёрлаш планининг бажарилишини та'минлаш тўғрисида

КПСС Марказий Комитети Пленумининг 1954 йил 24 июньда қабул қилган қарори

(БОШИ БИРИНЧИ БЕТДА)

Белоруссия ССР, Литва ССР, Кострома, Вологда, Смоленск, Калуга, Иваново, Новосибирск, Курган ва Молотов областьларининг колхозлари ва МТСлари силос қилишга тайёргарликни ёмон ўтказмоқдалар, янги силос иншоотлари қуриш ва борларини ремонт қилиш планини бажармаётирлар ва силос қирқадиган машиналарни ремонт қилишни тамомлаганлари йўқ.

Колхозлар ва совхозларнинг чорва молларини ем-хашак блан та'минлаш, шунингдек колхозчиларнинг меҳнат кунларига ем-хашак ҳам бериш мақсадида СССР Қишлоқ хўжалик министрлиги, СССР Совхозлар министрлиги, маҳаллий партия, совет ва қишлоқ хўжалик органлари, МТСларнинг, совхозларнинг директорлари ва колхозларнинг правлениелари зиммасига қуйидаги вазифалар юклансин:

I. ПИЧАН ЎРИШ БЎЙИЧА:

а) пичан ўришни ўтказишда МТСларда, колхозларда ва совхозларда бўлган камчиликлар дарҳол йўқотилсин, ўтларни энг яхши муддатларда ўриб олиш та'минлансин ва пичан ўриш ишлари ҳамма жойда ғалла ўрим-йиғими бошлангунча тугаллаиниб, ўтларнинг ўриб олиниши блан пичанларнинг ғарам қилиниши ўртасида кўп вақт ўтиб кетишига йўл қўйилмасин; ўрмонлардаги пичанзорларда, темир йўллар ва тош йўллар бўйидаги давлат ер фонди ва давлат ўрмон фондига қарашли ерларда бўлган пичанларнинг ҳаммасини ўриб олиш та'минлансин;

б) пичан ўрадиган машиналарнинг ҳаммасидан ўтларни ўришда юқори унумли фойдаланиш уюштирилсин, бунинг учун тракторга тиркалиб ишлатиладиган пичан ўриш агрегатларида ва ўзи юриб пичан ўрадиган машиналарда ишлаш учун тажрибали тракторчилар, машинистлар, зарур миқдорда колхозчилар ва совхоз ишчилари, шунингдек транспорт воситалари ўз вақтида ажратилсин;

в) от қўшиб пичан ўрадиган машиналардан пичан ўришда кенг фойдаланилсин, шунингдек ўрмонларда, тўқай ерларда, айниқса ери қоратупроқ бўлмаган доирадаги областьларда ва республикаларда ўтларни қўлда ўриш ташкил қилинсин, шунингдек ўтларни иккинчи марта ўриб олмоқ учун ҳамма жойда энг яхши пичанзор участкалар ва, биринчи навбатда, дар'ё бўйи ерлардаги энг яхши пичанзор участкалар ажратилсин;

г) пичан ўриш ишларида колхозчилар, совхоз ишчиларидан мумкин қадар кўпроқ кишиларнинг қатнашувига эришилсин, ем-хашак тайёрлашда колхозчиларнинг, МТС ва совхоз ходимларининг моддий манфаатдорлигини ошириш та'минлансин, пичан ўриш вақтида бундай кишилар хўжаликнинг ички ишларидан ва иккинчи даражали бошқа ишлардан бўшатиб қўйилсин, лозим бўлган ҳолларда колхозларда ва совхозларда пичан ўрувчи бригадалар учун умумий овқатланиш ташкил қилинсин ҳамда ем-хашак тайёрлашда машғул бўлаётган ҳамма колхозчилар ва совхоз ишчиларининг кунлик иш нормаларини тўла ва ошириб бажаришларига эришилсин.

Ишчи кучлари камчил бўлган колхоз ва совхозларда пичан ўриш ва ем-хашакларни силослаш ишларига қишлоқларнинг меҳнатга қобилиятли аҳолиси, шунингдек шаҳарларнинг ва шаҳар типидаги посёлкаларнинг аҳолиси жалб қилинсин, лекин бу соҳада давлат корхоналари ва қурилишларнинг ишларига зарар етадиган бўлмасин;

д) Автомобиль, трактор ва қишлоқ хўжалик машинасозлиги министрлигининг ва Мудофаа саноати министрлигининг раҳбарлари қишлоқ хўжалигига пичан ўрадиган машиналарни ва шу машиналар учун запас қисмларни қониқарсиз етказиб бераётганликлари йўл қўйиб бўлмайдиган бир ҳол, деб ҳисоблансин ва шу министрликлар пичан ўрадиган машиналарни ва шу машиналарга запас қисмларни ишлаб чиқаришдаги қолоқликни тугатиш ҳамда шуларни МТСларга, колхозларга ва совхозларга тезроқ жўнатиш чораларини дарҳол кўрсинлар;

е) қайд қилиб ўтилсинки, 1953 йилда давлат йўли блан пичан тайёрлаш ишларини ўтказишда катта камчиликларга йўл қўйилганлиги натижасида бирқанча область, ўлка ва республикалар давлатга пичан топшириш планларини бажармадилар. Тайёрлаш министрлигидан, маҳаллий партия, совет, қишлоқ хўжалик ва тайёрлаш органларидан колхозларнинг биринчи ўриб олган пичанларидан давлатга пичан топширишларини та'минлаш ва МТСнинг ишлари учун натура ҳақи тўлаш ва хашак етказиб бериш мажбурияти юзасидан ҳарбир колхоз томонидан давлатга пичан топшириш планларининг белгиланган муддатларда сўзсиз бажарилишини та'минлаш талаб қилинсин.

2. СЕРСУВ ЕМ-ХАШАКЛАР ЕТИШТИРИШНИ КЎПАЙТИРИШ БЎЙИЧА:

а) ҳамма колхоз ва совхозларда силос бостириш бошлангунча силос иншоотларини ремонт қилиш ва янгиларини қуриш ишларини тамомлаш та'минлансин, ем-хашакларни силослаш бўйича белгиланган планнинг бажарилиши учун зарур миқдорда силос башнялари, деворлари цементланган ўралар ва траншеялар қуришга алоҳида аҳамият берилсин, силослаш учун белгиланган план силосга бўлган эҳтиёжни тўла та'минламайдиган ва силослашни кўпайтириш имкониятлари бўлган жойларда эса жамоат чорвачилигининг силосга бўлган эҳтиёжларини ва колхозчиларнинг ўзлари шахсан фойдаланаётган чорва моллар учун колхозчиларга силос бериш эҳтиёжларини тўла та'минлайдиган қилиб силос иншоотлари қурилсин. МТСларда бўлган ер қазиш машиналаридан, энг оддий қуроллардан ва бошқа механизация воситалардан силос иншоотлари қуриш ва шу иншоотларни ремонт қилиш ишларида фойдаланилсин, маҳаллий совет органларига колхозларда ва совхозларда силос иншоотлари қуриш учун саноат, қурилиш ташкилотларининг ва бошқа ташкилотлар ҳамда корхоналарнинг ўз асосий программаларини бажаришларига шикаст етказмаслик шарти блан уларда бўлган ер қазиш машиналарини жалб қилиш ҳуқуқи берилсин;

б) силос учун экилган ҳамма экинларни ўз вақтида ўриб-йиғиб олиш ва силослаш, ёввойи ўтларни, шунингдек маккажўхори пояларини, қандлавлаги баргларини, полиз экинларининг палакларини ва сабзавот экинларининг баргларини силослаш ташкил қилинсин;

в) МТС, колхоз ва совхозлардаги силос қирқадиган машиналарнинг ҳаммасидан энг кўп фойдаланишга алоҳида э'тибор берилсин. Ҳарбир колхозда силос бостиришни ўз вақтидра та'минлашни кўзда тутиб МТСлардаги силос комбайнларидан ва тракторга тиркаб силос қирқадиган машиналардан фойдаланиш графиклари белгилансин;

г) хашаки илдизмева экинлар ва хашаки полиз экинлар етиштиришга э'тиборсиз қарашга хотима берилсин ва шундай экинларнинг ҳамма жойда яхши парвариш қилинишини та'минлансин, хашаки илдизмева ва хашаки полиз экинлари ҳосили ўз вақтида йиғиб-териб олинсин;

д) СССР Қурилиш материаллари министрлиги, СССР Ўрмон саноати министрлиги ва Центросоюз колхозларга ва совхозларга силос башняларини, силос иншоотларига керакли детальларни, шунингдек қурилиш учун ажратилган цементни, тахта ва ёғочни ҳамда бошқа бинокорлик материалларини ўз вақтида ва тўла равишда етказиб беришни та'минласинлар. СССР Қурилиш материаллари саноати министрлиги, 1955 йилдан бошлаб, колхозларда ва совхозларда силос иншоотлари қуриш учун детальлар, темир-бетон плиталар ва блоклар ишлабчиқаришни ташкил қилсин.

3. ХАШАК ЙИҒИБ-ТЕРИБ ОЛИШ БЎЙИЧА:

а) комбайнларнинг хашак йиғиштирадиган машиналар блан бирга ишлаши та'минлансин. Ғалласи комбайн блан ўриб олинган ҳамона хашакни дарҳол ғарам қилиб қўйиш ташкил этилсин, токи далалар янада ишланмоғи учун ўз вақтида тозалаб қўйилсин ҳамда хашак ва сомонларни йиғиб-териб олиб, булардан чорва молларни боқиш учун фойдаланиш та'минлансин;

б) ҳамма МТС ва совхозларда похол тўдалайдиган, йиғиштирадиган, ғарамлайдиган ва бошқа машиналар похол ҳамда сомонларни ўз вақтида йиғиб-териб олиш учун тахт қилиб қўйилсин.

4. ЧОРВА МОЛЛАРНИ ҚИШЛОВГА ТАЙЁРЛАШ БЎЙИЧА:

а) ҳамма колхоз ва совхозларда чорва молларни тўла равишда сақлаб қолиш ва чорва молларнинг маҳсулдорлигини ошириш учун бу йил чорва молларни қишловга ўз вақтида тайёрлаш ва қишловни муваффақиятли ўтказиш та'минлансин;

б) колхоз ва совхозларда маҳаллий бинокорлик материаллари — ёғоч ва тахта, ғишт, оҳак, черепица ва бошқа материалларни тайёрлаш ва ишлаб чиқариш ташкил қилинсин; чорва молларни оғилхоналарга киритиш пайти келгунча янги чорвачилик биноларини, сигирхоналарни, бузоқхоналарни, чўчқахоналарни, қўйхоналарни, паррандахоналарни ва бошқа биноларни қуриш ҳамда борларини ремонт қилиш ишлари тугаллансин, шу мақсад учун доимий қурилиш бригадалари тузилсин;

в) қурилиш материалларини ташиб олишда, ёғочларни тилиб тахта қилишда ва чорвачилик биноларини қуриш учун керакли бошқа ишларни бажаришда, шунингдек чорвачилик фермаларида механизациялаш ускуналарини ўрнатишда МТСларнинг кучи блан колхозларга ҳартомонлама ёрдам кўрсатилсин;

г) ҳамма колхоз ва совхозларда мавжуд ем-хашакларни тўғри сақлаш ва улардан тежаб-тергаб фойдаланиш та'минлансин, чорва молларининг қишлови бошлангунча чорвачилик фермаларига хашак етарли миқдорда ташиб олинсин, чорва молларига ем-хашакларни яхши тайёрлаб бериш ташкил қилинсин, бунинг учун ем-хашакларни қирқадиган, буғлайдиган мавжуд машиналар ҳамда бошқа установкалар ва ускуналардан фойдаланилсин;

д) қишки яйлов участкаларида ҳарбир колхоз ва совхознинг пичан ва бошқа хашакларнинг эҳтиёт запасларини етарли миқдорда ҳозирлаб қўйиши та'минлансин, пичанзорлар етарли бўлмаган тақдирда, пичанни, қоида тариқасида, прессланган ҳолда ўз вақтида ташиб келтириш ташкил этилсин, мана шу ем-хашак запаслари қишки яйловлардаги участкаларга чорва молларнинг сонига қараб тақсимлансин.

Партия, совет ва қишлоқ хўжалик органлари қишки яйловлардаги чорва молларни ем-хашак, сув ва бинолар блан та'минлаш тўғрисида ўз вақтида ғамхўрлик қилишлари, шунингдек чорва молларга ветеринария хизмати кўрсатишни та'минлашлари лозим. Қишки яйловлардаги чорва молларни боқиш учун зоотехниклар бош бўлгани ҳолда энг тажрибали миришкор колхозчилар ажратилсин.

Область, ўлка ва республика партия, совет ва қишлоқ хўжалик органларининг раҳбарлари яйловларда чорва молларнинг қишлови қандай бораётганлигини систематик равишда кузатиб туришлари лозим, токи чорва молларнинг нобуд бўлишига йўл қўйилмасин. Қишки яйловларда чорва моллари боқиш блан шуғулланаётган чўпонларни ва бошқа колхозчиларни моддий-маиший жиҳатдан та'минлашни ва уларга маданий хизмат кўрсатишни яхшилаш учун жиддий чоралар кўрилсин.

III.

Ҳосилни йиғиб-териб олишга тайёрланиш ва уни ўтказиш тўғрисида

Ҳосилни йиғиб-териб олиш қишлоқ хўжалигидаги ишларнинг энг муҳим, тугалловчи босқичидир. Ғалла ва бошқа қишлоқ хўжалик маҳсулотларини давлатга топшириш планларининг муваффақиятли бажарилиши, колхозлар ва совхозларнинг ўзларини яхши сифатли сара уруғлар блан, жамоат чорвачилиги учун керакли дон, серсув овқат ва хашаклар блан та'минланиши, колхозлар жамоат хўжалигининг мустаҳкамланиши ва колхозчилар моддий фаровонлигининг оширилиши барча йиғим-терим ишларини ўз вақтида ва юқори сифатли ўтказилишига боғлиқдир.

Мамлакатимиз қишлоқ хўжалиги биринчи даражали техника блан та'минланган, бу эса асосий йиғим-терим ишларини ва, аввало, ғаллакорлик ишларини машиналаштиришга имкон беради. МТСлар ва совхозлар 1954 йил ҳосилини ўриб-йиғиб олмоқ учун 350 мингтадан кўпроқ комбайнга, зиғирпояни титиб ва ўриб берадиган 33 мингга яқин комбайнга, қандлавлаги қазиб берадиган 11 мингта комбайнга, 24 мингдан кўпроқ пахта териш машинасига, картошка йиғиб берадиган 10 мингга яқин комбайнга, дон тозалаб берадиган кўп миқдордаги машиналарга ҳамда бошқа машиналар ва механизмларга эга бўладилар. Эндиликда машина-трактор станцияларида, совхозларда ва колхозларда раҳбар ходимларнинг ва мутахассисларнинг малакали кадрлар, шунингдек мавжуд техникадан тўла фойдаланишни та'минлай оладиган ва барча қишлоқ хўжалик экинларининг ҳосилини ўриб-йиғиб олишни муваффақиятли ўтказаоладиган тажрибали механизатор кадрлар бор.

Шу блан бирга, кўпгина областьларда, ўлкаларда ва республикаларда машиналар ўз вақтида ва яхши сифатли ремонт қилинмаслиги ҳамда машиналардан яхши фойдаланилмаётганлиги орқасида йиғим-терим ишларини механизациялаш ва ҳосилни қисқа муддатларда йиғиб-териб олиш соҳасидаги мавжуд катта имкониятлардан қониқарсиз фойдаланилмоқда. Кўп МТСларда ва совхозларда машиналарни йиғим-теримга тайёрлаш бу йил ҳам қониқарсиз ўтказилмоқда. Молдавия ССР, Қозоғистон ССР, Белоруссия ССР, Литва ССР, Ўзбекистон ССР, Озарбайжон ССР, Сталинград, Саратов, Куйбишев, Великие Луки, Новгород, Псков, Тамбов, Ульяновск областьларининг машина-трактор станцияларида ва совхозларида комбайнларни ва бошқа йиғим-терим машиналарини ҳосилни ўриб-йиғиб олишга тайёрлаш айниқса қониқарсиз ўтказилмоқда.

КПСС Марказий Комитетининг Пленуми СССР Қишлоқ хўжалиги министрлигининг, СССР Совхозлар министрлигининг, область, ўлка ва республикалардаги партия ва совет органларининг э'тиборини 1953 йилда ҳосилни ўриб-йиғиб олиш ишларида рўй берган хатолар ва камчиликларнинг такрорланишига йўл қўймаслик зарурлигига жалб қилади, улардан ғалла ўрим-йиғими вақтида доннинг нобуд бўлишига бепарволик блан қарашга қат'иян хотима беришни, барча моддий-техника воситаларини тахт қилиб қўйишни тезроқ битказишни, ҳосилни ўриб-йиғиб олишни уюшқоқлик блан бошлаб юбориб, нобудгарчиликка йўл қўймай муваффақиятли ўтказишни, давлатга ғалла топшириш, колхозлар ва совхозларнинг ўзларида яхши сифатли уруғларни жамғариб қўйиш, зарур миқдорда ем-хашак ва эҳтиёт фондларини вужудга келтириш планини ўз вақтида бажаришни, шунингдек ҳосилни ўриб-йиғиб олиш блан бир вақтга тўғри келадиган барча қишлоқ хўжалик ишларини ўз вақтида ўтказишни талаб этади.

ҲОСИЛНИ ЙИҒИБ-ТЕРИБ ОЛИШГА ТАЙЁРЛАНИШ ВА УНИ ЎТКАЗИШ БЎЙИЧА:

1. СССР Қишлоқ хўжалик министрлигига, СССР Совхозлар министрлигига, область, ўлка ва республикаларнинг партия, совет ва қишлоқ хўжалик органларига, МТС ва совхозларнинг директорларига ҳамда колхозларнинг правлениеларига қуйидаги вазифалар юклатилсин:

а) ҳамма комбайнларни, тракторларни, ўрим машиналарини, молотилкаларни, двигательларни, пахта терадиган, зиғирпоя ўрадиган, қандлавлаги йиғиштирадиган, картошка кавлайдиган ва дон тозалайдиган машиналарни, автомашиналарни ҳамда бошқа транспорт ва йиғим-терим воситаларини йиғим-терим бошлангунча ремонтдан чиқариб, тахт қилиб қўйиш чоралари кўрилсин, ремонт сифати устидан кундалик контроль ўрнатилсин;

б) ҳосил йиғим-терими бошланмасдан, камида икки ҳафта олдин комбайн агрегатлари комбайнчилар блан, комбайнчиларнинг ёрдамчилари блан, тракторчилар блан, комбайнларга хизмат кўрсатувчи колхозчилар ва ишчиларнинг доимий состави блан та'минлансин, шунингдек донни ўз вақтида тўхтатмай ташиш, ёнилғи ва сув ташиб келиш учун зарур транспорт ажратилсин. Ҳамма комбайнлар ишлаб турганида донни бўшатиб оладиган мосламалар блан, донни ушлаб қоладиган асбоблар блан ускуналансин ва ётиб қолган ғаллани ўриб оладиган мосламалар тайёрлансин. Ҳарбир комбайн агрегатини зарур инструментлар блан, заправка асбоблари ва ёнғинга қарши кураш воситалари блан та'минлансин;

в) ҳосил йиғим-терими даврида комбайнлар ва тракторларнинг узлуксиз ишлашини та'минламоқ учун автомобильларга ўрнатилган етарли миқдордаги кўчма ремонт мастерскойлари ташкил этилиб, бу мастерскойлар ремонт ишчиларининг малакали кадрлари блан та'минлансин. Кўчма мастерскойлар энг кўп керак бўладиган запас қисмлар, айрим узеллар ва инструментлар блан та'минлансин;

г) ҳосилни ўриб-йиғиб олиш, ғаллани ташиб олиш ва ҳосилни йиғиб-териб олиш блан бир вақтга тўғри келадиган бошқа ишларни бажариш учун етарли миқдорда ёнилғи ва мойлаш материалларини МТСларга ва совхозларга ўз вақтида келтириб, жамғариб қўйиш та'минлансин, ёнилғининг бошқа мақсадлар учун ишлатилишига йўл қўйилмасин;

д) колхозларда ва совхозларда етарли миқдорда хирмонлар, донни вақтинча сақлаш ва тозалаш учун шийпонлар тайёрлаб қўйилсин, хирмонлар, ғаллахоналар, дон тозалайдиган машиналар, асбоблар ва қоп-қанорлар дезинфекция қилинсин. Ҳаммажойда, айниқса ёғингарчилик кўп бўладиган районлардаги колхозларда ва совхозларда етарли миқдорда усти ёпиқ хирмонлар қурилсин ва борлари тўла ремонт қилинсин. Хирмонларни дон тозалайдиган керакли машиналар, тарозилар, дон юклаш ва тозалаш машиналари ҳамда бошқа машиналар блан ускуналансин, ёғингарчилик кўп бўладиган районларда эса, хирмонлар дон қуритадиган сушилкалар блан ускуналансин, донни тозалаш, қуритиш ва юклаш ишларининг ҳаммасини кўпроқ машиналаштириш та'минлансин, илғор колхозлар ва совхозларнинг хирмонларда дон тозалашни комплекс механизациялаш соҳасидаги тажрибалари кенг жорий қилинсин.

2. СССР Қишлоқ хўжалик министрлигига, СССР Совхозлар министрлигига, иттифоқчи республикалар Компартияларининг Марказий Комитетларига, ўлка, область партия комитетларига, республикаларнинг Министрлар Советларига, ўлка ва область ижроия комитетларига қуйидаги вазифалар юклатилсин:

а) ҳосил йиғим-терими бошлангунча ҳарбир колхозда ва совхозда, колхозларнинг бригадаларида, совхозларнинг бўлимларида ва фермаларида ҳосилни ўриб-йиғиб олиш, давлатга ғалла топшириш ва йиғим-терим блан бир вақтга тўғри келадиган ишларни ўтказиш, чопиқ қилинадиган экинларни ва ёзги шудгорларни парвариш қилиш, ем-хашак тайёрлаш, кузги экинларни экиш учун бу экинлар экиладиган ерларни ҳайдаш, анғизларни юмшатиш, кузги экинларни экиш, кузги шудгор қилиш ва шу сингари бошқа ишларни ўтказиш учун иш планлари тузилсин. Ғалла ўрим-йиғими бошлангунча ҳарқайси комбайн агрегатига ғалласи пишган участкалар белгилаб берилсин, ҳарбир участканинг комбайнчилар томонидан кўриб, қабул қилиб олиниши та'минлансин; комбайн агрегатларининг иш графиги ва юриш маршрутлари ишлаб чиқилсин ва тасдиқлансин;

б) ҳарқайси колхозда ва совхозда яхши дала шийпонлари ташкил қилинсин, умумий овқатланиш, саноат моллари сотиш ва далада ишлаётганларга маданий-оммавий хизмат кўрсатиш уюштирилсин.

Аёлларнинг йиғим-терим ишларида ва бошқа дала ишларида қатнашуви учун зарур шароит вужудга келтириш мақсадида болалар боғчалари ва яслилари кўпайтирилиб, уларнинг кеча-кундуз ишлаши ташкил этилсин.

3. Колхозлар, МТС ва совхозларнинг ҳосил йиғим-теримига муваффақиятли тайёрланишини та'минламоқ учун ва моддий-техника воситаларини йиғим-теримга тайёрлаб қўйиш учун йиғим-терим бошлангунча ҳарқайси колхознинг, совхоз ва МТСнинг йиғим-теримга ва қишлоқ хўжалик маҳсулотларининг давлат томонидан тайёрланишига қанчалик ҳозирланганлиги текширишдан ўтказилсин, текшириш натижалари район партия комитетларида, район ижроия комитетларида муҳокама қилиниб, аниқланган камчиликларни ўз вақтида йўқотиш чоралари кўрилсин.

4. Ҳосилни йиғиб-териб олиш ва ғалла тайёрлаш даврида МТСларни, совхозларни, колхозларни, Заготзерно пунктларини ва Союззаготтрансни нефть маҳсулотлари блан узлуксиз та'минлаб туриш мақсадида СССР Нефть саноати министрлиги, Йўллар министрлиги, Денгиз ва дар'ё флоти министрлиги ёнилғини ва мойлаш материалларини йиғим-терим ишлари ва ғаллани ташиб олиш учун ўз вақтида элтиб беришни та'минласинлар, ёнилғи ва шу материалларнинг нефть базаларига тўғри тақсимланиши устидан қаттиқ контроль ўрнатсинлар.

5. КПСС Марказий Комитетининг Пленуми Автомобиль, трактор ва қишлоқ хўжалик машинасозлиги министрлигининг, Мудофаа саноати министрлигининг ва бошқа ба'зи министрликлар ва идораларнинг комбайнлар, дон тозалайдиган машиналар, дон қуритадиган сушилкалар ва йиғим-теримга керакли бошқа машиналар ҳамда механизмлар, айниқса шу машиналарни ремонт қилиш учун керакли запас қисмлар ва материаллар ишлаб чиқариш ҳамда уларни МТСларга, Заготзерно пунктларига, колхозларга ва совхозларга юбориш топшириқларини ўз вақтида бажаришни та'минламаётганликларини йўл қўйиб бўлмайдиган бир ҳол деб ҳисоблайди, чунки бу ҳол МТС, колхоз ва совхозларни ғалла ўрим-йиғимига тайёрлашда қийинчиликлар туғдирмоқда.

Автомобиль, трактор ва қишлоқ хўжалик машинасозлиги министрлиги, Транспорт машинасозлиги министрлиги, СССР Қора металлургия министрлиги, СССР Ўрмон саноати министрлиги ва қишлоқ хўжалигига маҳсулот етказиб бериш юзасидан топшириқ олган бошқа министрликлар ҳамда идоралар тракторлар, комбайнлар ва бошқа йиғим-терим машиналарини, шу машиналарга керакли запас қисмларни, тахта ва ёғочларни, металлни ва бошқа материалларни юборишда йўл қўйилган қолоқликни қисқа муддат ичида тугатсинлар.

6. КПСС Марказий Комитетининг Пленуми шуни қайд қиладики, Центросоюз ҳосил йиғим-теримига тайёрланиш ва уни ўтказиш учун колхозларга керакли моллар ва материалларни ташиб беришни қониқарсиз та'минламоқда, шунингдек МТСларда, совхозларда ва колхозларда ҳамда дала шийпонларида саноат ва озиқ-овқат моллари блан савдо қилишни ёмон ташкил қилмоқда.

Центросоюзга, СССР Савдо министрлигига қишлоқда савдони яхшилаш чораларини кўриш ҳамда ёғоч ва тахталарни, металлни, қўл асбобларини, инструментларни ва хўжаликка керакли бошқа молларни савдо шохобчаларига ташиб беришни та'минлаш, шунингдек йиғим-терим даврида дала шийпонларида саноат ва озиқ-овқат моллари блан узлуксиз савдо қилишни ташкил этиш таклиф қилинсин.

ҒАЛЛА ВА МОЙЛИ ЭКИНЛАРНИНГ ҲОСИЛИНИ ЙИҒИШТИРИБ ОЛИШ БЎЙИЧА:

1. Мамлакатимизда ғалла ресурсларини кўпайтириш кўп жиҳатдан ҳосилни қисқа муддатларда ва нобуд қилмай йиғиштириб олишга боғлиқдир. Иш яхши уюштирилмаганлиги ва техникадан тўла фойдаланилмаганлиги орқасида МТСлар, колхозлар ва совхозлар ўрим-йиғим ишларини кечиктириб юбормоқдалар ва ҳосилнинг кўп нобуд бўлишига йўл қўймоқдалар, бундай аҳволга бундан буён чидаб туриш мумкин эмас.

СССР Қишлоқ хўжалик министрлигига, СССР Совхозлар министрлигига, партия, совет ва қишлоқ хўжалик органларига, МТС ва совхозларнинг директорларига ҳамда колхозларнинг правлениеларига қуйидаги вазифалар юклатилсин:

а) ҳарбир экиннинг ҳосилини энг қисқа муддатларда ва нобуд қилмай йиғиштириб олиш та'минлансин, ғалланинг ўрилмасдан далада ортиқча туриб қолишига йўл қўйилмасин, бунинг учун ғалланинг етилиши устидан контроль ўрнатилсин, ўрим-йиғимни ўз вақтида авж олдириш, йиғим-теримнинг биринчи кунлариданоқ барча комбайнларни ва бошқа ўрим-йиғим машиналарини ишга солиш, уларни техника ва хўжалик жиҳатдан беками-кўст ва эҳтиёт қилиб сақлаш ташкил қилинсин.

Ғалла экинларининг ҳосилларини нобуд қилмай ўриб-йиғиб олиш учун йиғим-теримда комбайнлардан тўла фойдаланишга алоҳида э'тибор бериш, комбайн агрегатларини малакали комбайнчилар ва тракторчилар, колхозчилар блан та'минлаш, ҳарбир комбайн агрегатининг ишини контроль қилиш, комбайнларнинг узлуксиз ва жуда унумли ишлашини та'минлаш ва шу блан ўрим-йиғим муддатларини анча қисқартиш мақсадида ҳар 3—5 комбайнга партия ва совет активи орасидан ташкилотчилар белгилаш зарур. Комбайнчининг ишига фақат мавсум давомидаги иш натижасига қараб эмас, балки унинг кундалик топшириқларни бажаришига, фақат ўрилган гектарларнинг миқдорига қарабгина эмас, балки даставвал, гектар бошига янчиб олинган доннинг миқдорига қараб баҳо берилсин. Учинчи тозалаш ҳамда комбайнлардан доннинг тоза бўлиб чиқишини та'минлайдиган бошқа тадбирлар кенг қўлланилсин;

б) сернам районлардаги колхоз ва совхозларда ҳосилни ўз вақтида йиғиштириб олиш ва ҳосилнинг нобуд бўлишига йўл қўймаслик мақсадида ўрим-йиғимда комбайнларни қўллаш блан бирқаторда, ўрим-йиғимнинг биринчи кунлариданоқ оддий ўрим-йиғим машиналарининг ҳаммасини ишга солиб энг қисқа муддатларда ғаллани ўриш, ғарамлаш ва янчиш учун об-ҳаво яхши келган ҳарбир кундан максимал даражада фойдаланилсин, ғаллани оддий машиналар блан ўриб олиш орқасиданоқ уни боғ қилиб боғлаш ва тегишли равишда ғарамлаш, бошоқларни тўплаш ва машоқ қилиш ҳамда ўрилган ғаллани ғарамлаш ташкил қилинсин; МТС, совхоз ва колхозлардаги янчиш машиналарининг тўхтовсиз ишлашини ташкил қилиб, бу ғаллани ўз вақтида янчиб олиш та'минлансин;

в) комбайнларнинг қисмлари нотўғри ўрнатилиши, экин поясини баланд қирқиши, экинни чала ўриши ва далада бошоқларнинг қолиб кетиши натижасида, хас-чўп аралашган донни ўз вақтида тозаламаслик ва ҳўл донни ўз вақтида селгитмаслик натижасида ҳосилнинг нобуд бўлишига йўл қўймаслик учун ўрим-йиғимнинг биринчи кунларидан ўрим-йиғим ишларининг сифатли ўтказилиши устидан қаттиқ контроль ўрнатилсин. Ҳосил йиғиштириб олинган майдонлар кун сайин, албатта, қабул қилиб олинсин, аниқланган камчиликлар тугатилсин, комбайнлардан ва молотилкалардан келиб турадиган донни пухта ҳисобга олиб бориш ташкил қилинсин, ғаллани тайёрлаш пунктларига ташиш вақтида ва омборларга топшириш вақтида у хирмонда, албатта, тортилсин.

2. Кунгабоқарни ва бошқа мойли экинларни қисқа муддатларда ва нобуд қилмай йиғиштириб олиш мақсадида ўрим-йиғим бошланганига қадар зарур миқдордаги комбайнларни қайтадан ускуналаш, уларни ўз вақтида ишга солиш ва ҳарбир комбайнчининг кунлик топшириқларни бажариши та'минлансин. Дони тез тўкилиб кетадиган мойли экинларнинг ортиқча туриб қолишига йўл қўймай уларни ўз вақтида йиғиштириб олишга алоҳида э'тибор берилсин.

3. Партия, совет ва қишлоқ хўжалик органлари, МТС ва совхозларнинг директорлари, колхозларнинг правлениелари маккажўхорини ўз вақтида нобуд қилмай йиғиштириб олишни та'минласинлар, бунинг учун маккажўхори комбайнларидан максимал даражада фойдалансинлар, ғалла комбайнларини ва бошқа механизация воситаларини маккажўхори ҳосилини йиғиштириб олиш учун мосласинлар. Маккажўхорини комбайнлар блан ўриб-йиғиб олиш мумкин бўлмайдиган далаларда уни ўриб олиш ва сўтаси блан хирмонларга ва колхозларнинг ҳамда совхозларнинг ҳовлиларига олиб бориб сўнгра жўхори сўтасини қайиришни уюштириш колхоз ва совхозларга тавсия қилинсин.

Автомобиль, трактор ва қишлоқ хўжалик машинасозлиги министрлиги маккажўхори ҳосилини йиғиштирадиган комбайнларнинг қисмларини зарур бўлган миқдорда тайёрлаб чиқарсин ҳамда 1954 йил 1 сентябрьгача МТС ва совхозларга етказиб берсин.

4. Чорвачилик эҳтиёжлари учун похол ва сомонларни ўз вақтида йиғиштириб олиш ҳамда ҳайдаш учун далаларни тозалаш мақсадида ҳосил комбайнлар блан йиғиштириб олингандан кейин похол ва сомонларни йиғиштириб сўнгра ташиб олиш та'минлансин, бунинг учун зарур миқдорда тракторлар, волокушалар ва от-улов ажратилсин. Белгилансинки, далаларни похол ва сомондан тозалаш ҳарбир участкада ҳосил йиғиштириб олингандан кейин камида беш кун ичида тамомланиши лозим.

ПАХТАНИ ЙИҒИБ-ТЕРИБ ОЛИШ БЎЙИЧА:

1. Колхозлар ва совхозлар бу йил чигитни ўтган йилдагига қараганда анча кўп экдилар. Эндиликда мамлакатдаги пахта ресурслари, ғўза парвариши соҳасидаги ҳамма ишларнинг ўз вақтида ва юқори сифатли қилиб ўтказилишига ҳамда етиштирилган ҳосилнинг ҳаммасини сра қолдирмай йиғиштириб олинишига тамомила боғлиқдир. Бунинг учун, даставвал, пахта теримига тайёргарлик кўришда ва пахта теримини ўтказишда аввалги йиллардаги камчиликларнинг такрорланишига йўл қўймаслик зарур; аввалги йилларда пахтани ўз вақтида териб олмасликка, ўз вақтида қуритмасликка ва тозаламасликка йўл қўйилган, йиғим-терим ишларининг кеч кузгача чўзилиб кетиши ҳосилнинг кўп нобуд бўлишига ва пахтанинг сифати ёмонланишига сабаб бўлган эди.

Бунинг асосий сабаби пахта терим машиналаридан ва бошқа техникадан ёмон фойдаланишда ҳамда пахта терим ишлари қониқарсиз ташкил қилинганлигидадир. Пахтани машина блан теришни камситиш натижасида пахта терим машиналари ўз вақтида ремонт қилинмаётир ва тайёрланмаётир, далаларни тайёрлашда агротехника талабларига риоя қилинмаётир, пахта терими олдидан ғўза баргларини тўкиш кечикиб ўтказилмоқда, машина блан пахта териш плани йил сайин бажарилмаётир. 1953 йилда Тожикистон ССР МТСлари пахтани машина блан териш планини фақат 4 процент, Туркманистон ССР МТСлари фақат 10 процент, Қирғизистон ССР МТСлари 14 процент, Озарбайжон ССР МТСлари 20 процент, Ўзбекистон ССР МТСлари 27 процент бажарди, холос.

2. КПСС Марказий Комитетининг Пленуми та'кидлаб ўтадики, пахтакор республикаларнинг, ўлка ва областьларнинг партия, совет ва қишлоқ хўжалик органлари бу йил ҳам пахта теримига ва пахта тайёрлашга колхозларни, МТС ва совхозларни ҳозирлашда катта камчиликларга йўл қўймоқдалар. Колхоз ва совхозларда пахтани қуритиш учун пахта сушилкалари, айвонли саройлар ва майдонча қуриш ниҳоятда ёмон ташкил қилинган. Ўзбекистон ССР, Туркманистон ССР, Қозоғистон ССР ва Қирғизистон ССРда машиналарни ремонт қилиш ва пахта теримига тайёргарлик иши айниқса қониқарсиз бормоқда.

СССР Қишлоқ хўжалик министрлигига, СССР Совхозлар министрлигига пахта экадиган республикалардаги, ўлкалардаги, областьлардаги ва районлардаги партия ва совет органларига пахта йиғим-теримига тайёрланишдаги мавжуд камчиликларни йўқотиш, пахтани машина блан теришга аҳамият бермаслик фактларига қарши кескин кураш олиб бориш, пахта терадиган машиналарнинг ремонтини тезроқ тамомлаш чораларини кўриш ва барча моддий-техника воситаларини пахта теришга ва тайёрлашга тахт қилиб қўйиш таклиф этилсин.

3. СССР Қишлоқ хўжалиги министрлигига, СССР Совхозлар министрлигига пахта экадиган республикалардаги, ўлкалардаги ва областьлардаги партия, совет ва қишлоқ хўжалик органларига қуйидаги вазифалар юклатилсин:

а) колхозларда ва совхозларда пахтаси машина блан териб олинадиган участкалар ўз вақтида ажратилсин ва тайёрлаб қўйилсин, колхозларга ва совхозларга зарур миқдорда химикатларни элтиб бериш ва пахта терими олдидан ғўзаларнинг баргини тўкиш ташкил қилинсин. Пахта териш машиналарида ишлайдиган малакали ҳайдовчилар етарли миқдорда тайёрлансин ва МТСлар, колхозлар ҳамда совхозларнинг пахтани машина блан териш планини тўла ва ошириб бажаришлари та'минлансин;

б) кўсак очилаборган сари очилган пахтанинг ҳаммасини ўз вақтида териб олиш, колхозчилар ва совхоз ишчиларидан етарли миқдордаги кишиларни пахта теришга жалб қилиш ташкил этилсин ва уларнинг терим нормаларини тўла ва ошириб бажаришларига эришилсин;

в) пахта териш, қуритиш, тозалаш, ташиш вақтида ҳосилнинг нобуд бўлишига йўл қўйилмасин ва давлатга пахтанинг асосан отбор, биринчи ва иккинчи сортлар блан топширилиши та'минлансин;

г) колхозларга ва совхозларга етарли миқдорда пахта сушилкалари, бетон ётқизилган ёки тош ётқизилган майдончалар, сарой-шийпонлар қуриб олишда ҳамда мавжуд сушилкаларни ремонт қилиб олишда ёрдам берилсин, токи бу ишлар колхозларда ва совхозларда 15 сентябрьдан кечиктирмай тамомлансин ва сернам пахтани тинмай қурутиб олиб, уни ўз вақтида давлатга топшириб туриш та'минлансин.

(ДАВОМИ КЕЛГУСИ СОНДА)

В. М. МОЛОТОВ КОРЕЯ ХАЛҚ-ДЕМОКРАТИК РЕСПУБЛИКАСИНИНГ ТАШҚИ ИШЛАР МИНИСТРИ НАМ ИРНИ ҚАБУЛ ҚИЛДИ

25 июньда СССР Ташқи Ишлар Министри В. М. Молотов Жанвадан келатуриб Москвада тўхтаган Корея Халқ-Демократик Республикаси Ташқи Ишлар Министри Нам Ирни қабул қилди. (ТАСС).

Гватемала ҳукуматининг мурожаати ва Совет ҳукуматининг жавоби

Шу йил 24 июньда СССР Ташқи Ишлар Министри В. М. Молотов Гватемала Ташқи Ишлар Министри Г. Торизльо жаноблариdан қуйидаги телеграммани олди:

«Гватемаладан, 23 июнь, СССР Ташқи Ишлар Министрига, Москва.

Сиз Жаноб Олийларига шу нарсани хабар қилиш шарафига муяссарманки, Хавфсизлик Кенгаши томонидан шу йил 20 июньда бир овоздан қабул қилинган қарорга қарамай агрессия шу дамгача тўхтатилгани йўқ. Мазкур қарорда қон тўкишга олиб келиши мумкин бўлган ҳамма ҳаракатларни дарҳол тўхтатиш кўзда тутилган эди ва Бирлашган Миллатларнинг а'золари бўлган ҳамма давлатларга Гондурас республикаси территориясидан Гватемалага бостириб кирган ёлланма қўшинларнинг шу ҳилдаги ҳаракатларига ёрдам беришдан тийилиш таклиф қилинган эди. Менинг Ҳукуматим томонидан Хавфсизлик Кенгашига илгари айтиб ўтилганидек мазкур қуролли кучлар Гондурасдаги ва Никарагуадаги аэродромлардан фойдаланишни, эффектив ёрдам олиб туришни ва Бирлашган Миллатлар Ташкилоти а'золари бўлган ўша давлатлар ҳукуматларининг қонунсиз равишда чидаб турганлигидан фойдаланишни давом этдирмоқдалар.

Мана шу жиддий аҳвол тўғрисида Сизга хабар етказиш ва агрессияга ҳамнна қат'ий равишда қарши бўлиб келган ва Бирлашган миллатларнинг принципларини ҳамишда ҳимоя қилиб келган Сизнинг ҳурматли Ҳукуматингиз Хавфсизлик Кенгашининг а'зоси сифатида ўзининг яхши хизматларини кўрсатишини ва Хавфсизлик Кенгашининг статути туфайли ўзига берилган ҳуқуқлардан фойдаланишини сўраш мақсадида Сиз Жаноб олийларига шошилинч равишда мурожаат қилмаян, токи шу юксак орган янги мажлис чақириб, Хавфсизлик Кенгашининг шу йил 20 июньдаги қарорининг самарали равишда бажарилишига ва шу қарорнинг бажарилишини кузатиб туриш юзасидан тегишли чоралар кўрилишига эришиш мақсадида ўз обрўсидан фойдалансин.

Сизнинг ҳурматли Ҳукуматингиз мана шу қийин ишда қилиши мумкин бўлган ҳаракатлар учун Сиз Жаноб Олийларига ўзимнинг энг самимий ташаккуримни олдиндан изҳор қилиб қўяман, Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг обрўси, Бирлашган Миллатлар Ташкилоти а'зоси бўлган давлатлардан бирининг хавфсизлиги суверенитети ва мустақиллиги шу қийин ишнинг ҳал қилинишига боғлиқдир.

Фурсатдан фойдаланиб, Сизга ўзимнинг энг юксак ва алоҳида ҳурматимни изҳор қиламан.

Гильермо ТОРИЭЛЬО.

Ташқи Ишлар Министри».

25 июньда В. М. Молотов Г. Торизльо жаноблариға қуйидаги жавобни юборди.

«Гватемала,

Ташқи Ишлар Министри.

Гильермо Торизльо жаноблариға

Сиз Жаноб Олийларининг 23 июньда юборган телеграммангизни олганлигимни та'кидлаш ва шу нарсани Сизга хабар қилиш шарафига муяссардирманки, ўз ватанининг озодлигини ва мустақиллигини қаттиқ туриб ҳимоя қилаётган Гватемала халқига чуқур хайрихоҳлик ҳислари билан қаровчи СССР Ҳукумати Сизнинг телеграммангизда айтилган илтимосга тўла э'тибор билан қаради ва Бирлашган Миллатлар Ташкилоти ҳузуридаги совет вакилига Хавфсизлик Кенгашининг шу йил 20 июньда чиқарган қарорининг бажарилишини та'минлаш мақсадида ўз қўлидан келадиган ҳамма чораларни кўриш тўғрисида кўрсатма берди.

Сизнинг Ҳурматли Ҳукуматингиз мана шу қийин ишда қилиши мумкин бўлган ҳаракатлар учун Сиз Жаноб Олийларига ўзимнинг энг самимий ташаккуримни олдиндан изҳор қилиб қўяман, Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг обрўси, Бирлашган Миллатлар Ташкилоти а'зоси бўлган давлатлардан бирининг хавфсизлиги суверенитети ва мустақиллиги шу қийин ишнинг ҳал қилинишига боғлиқдир.

Фурсатдан фойдаланиб, Сизга ўзимнинг энг юксак ва алоҳида ҳурматимни изҳор қиламан.

В. МОЛОТОВ.

СССР Ташқи Ишлар Министри».

ЎЗБЕКИСТОН ССР ОЛИЙ СОВЕТИ ПРЕЗИДИУМИ, ЎЗБЕКИСТОН ССР МИНИСТРЛАР СОВЕТИ ВА ЎЗБЕКИСТОН КП МАРКАЗИЙ КОМИТЕТИДА

Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиуми, Ўзбекистон ССР Министрлар Совети ва Ўзбекистон КП Марказий Комитети ғўза қатор ораларини ишлашда трактор паркидан фойдаланиш юзасидан областлар, МТС ва совхозлар ўртасидаги социалистик мусобақанинг 1954 йил 20 июньгача бўлган якунларини кўриб чиқиб, **қарор қилдилар.**

Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиуми, Ўзбекистон ССР Министрлар Совети ва Ўзбекистон КП Марказий Комитетининг кўчма Қизил байроқларини кейинги ўнкунлигида, 10 июньдан 20 июньгача бўлган давр ичида ғўзани узунасига ва кўндалангига культивация қилиш, суғориш эгатларини чуқур олиш ва озиқлантириш юзасидан йиллик планга нисбатан энг юқори процентга эришган ҳамда ҳар бир чопиқ агрегати билан ғўзанинг кундалик парваришида юқори кўрсаткичга эришган, ишни сифатли қилиб бажарган МТСларга, шу жумладан Тошкент область **Бекобод районидаги 2-нчи МТСга** (директори ўртоқ **Ҳасанов,** бош инженери ўртоқ **Мусанлов,** бош агрономи ўртоқ **Қозоқбоев**) берилди, бу МТС узунасига культивация қилишда 18 процент, чуқур эгат олишда 9,7 процент ўсишга, ҳарбир агрегатнинг кунда 11,2 гектардан ерни ишлашга эришган, кўчма Қизил байроқ шу областнинг Оққўрғон районидаги 1-нчи МТСдан олиб берилади.

Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиуми, Ўзбекистон ССР Министрлар Совети ва Ўзбекистон КП Марказий Комитетининг кўчма Қизил байроғи **Сталин номли 17-нчи совхозга** (директори ўртоқ **Петров,** бош агрономи ўртоқ **Закиров,** бош инженери ўртоқ **Болотин**) берилди, бу совхоз йиллик культивация планини 64,2 процент, машина билан яганаласи планини 98,7 процент бажарган ва кейинги ўнкунликда ҳарбир трактор билан 15 гектардан ғўза қатор ораларини ишлашга эришган, кўчма Қизил байроқ «Норин» совхозидан олиб берилади.

ҲАМИД ОЛИМЖОННИНГ ХОТИРАСИНИ АБАДИЙЛАШ ТЎҒРИСИДА

Ўзбекистон ССР Министрлар Совети отоқли ўзбек совет шоири Ҳамид Олимжоннинг хотирасини абадийлаш тўғрисида қарор қабул қилди.

Ўзбекистон Совет ёзувчилари союзининг илтимосига мувофиқ Тошкент Адабиётчилар уйи Ҳамид Олимжон номига қўйилди. Шоирнинг қабрига бюст ўрнатилади.

Қарорга кўра шу йил июль ойида шоирнинг 4 печать лист ҳажмида танланган ше'рлари ва болалар учун 3 печать лист ҳажмида асарлар тўплами нашр этилади. Бундан ташқари 1956 йилда ўзбек тилида Ҳамид Олимжоннинг тўла асарлар тўпламини ва рус тилида шоирнинг 2 томлик танланган асарларини нашр этишга тайёргарлик кўришга қарор қилинди.

(ЎзТАГ).

Ўзбекистонда гўшт маҳсулотлари ишлайдиган корхоналар қурилмоқда

Ўзбекистон пойтахтидан бирнеча километр жойда янги Тошкент гўшт комбинати қурилабошланди. Бешинчи бешйилликнинг янги қурилиши учун 35 гектар ер майдони ажратилган. Бу ерда 6 қаватлик асосий ишлабчиқариш корпуси, ёрдамчи корхоналар, уй-жой шаҳарчаси қурилади. Комбинатнинг цехлари механик конвейерлар, осма йўллар, совутиш камераларидан иборат бўлади.

Шу блан бирга Тошкентдаги ишлаб турган гўшт комбинати тубдан реконструкция қилинабошланди. Бу ерда ишлаб чиқариш корпуси тепасига янги қават қурилмоқда, асосий цехлар кенгайтирилмоқда. Шу тадбирларнинг амалга оширилиши яқин фурсатда кулинария моллари ва ярим фабрикат, ва бошқа ем бўладиган маҳсулотлар ишлаб чиқараолади. Янги гўшт комбинати Ўрта Осиёда энг йирик комбинат бўлади.

Ҳозирги вақтда Ҳўжайлида, Бухоро ва Термизда катта хладобойнилар қурилмоқда. Нукус, Урганч ва Оҳангаронда гўшт комбинатлари қурилмоқда. Наманган ва Фарғона гўшт комбинатларида янги холодильниклар ишга туширилади.

(ЎзТАГ).

ПЎЛАТ ЭРИТУВЧИ ШТИРОВНИНГ ЯНГИ РЕКОРДИ

БЕКОБОД. Ўзбекистон металлурглари меҳнат унумини ва ускуналарнинг иш унумини ошириш учун мусобақалашмоқдалар. Ленин номидаги Ўзбекистон металлургия заводи мартен цехининг пўлат эрituвчиси Алексей Штиров янги рекорд қўйди: У навбатдаги оғир қуюлмани нормада белгиланган 7 соату 53 минут ўрнига 6 соату 10 минут ичида эритди. Ўртоқ Штиров печнинг ҳар квадрат метридан планда белгиланган 7 тоннаю 670 килограмм ўрнига 10 тоннаю 66 килограмм пўлат олди (ЎзТАГ).

ОБЛАСТЬ КОЛХОЗЛАРИДА ҒЎЗА ПАРВАРИШИНИНГ БОРИШИ ТЎҒРИСИДА 1954 ЙИЛ 25 ИЮНЬГАЧА БЎЛГАН

М А ' Л У М О Т

(процент ҳисоби блан)

Районларнинг номи	Культивация		Чопиқ		Озиқлантириш		Суғориш
	III	IV	II	III	I	II	
Оққўрғон	93,0	73,5	83,4	27,0	93,3	28,0	53,0
Оҳангарон	63,0	24,0	55,0	—	59,5	—	54,0
Бекобод	98,8	49,7	58,5	—	84,4	9,3	34,5
Бўка	80,5	24,0	58,2	6,8	84,4	2,0	29,0
Верхне-волинск	100,0	45,2	71,5	18,4	86,2	6,0	26,6
Юқоричирчиқ	100,0	84,5	81,1	26,1	88,4	—	63,1
Гулистон	100,0	93,0	89,5	23,3	90,5	22,0	53,6
Калинин	100,0	97,0	100,0	44,0	98,5	11,0	68,6
Мирзачўл	97,0	36,0	81,3	13,0	92,4	7,0	18,2
Октябрь	68,7	22,2	57,0	4,0	75,7	10,4	36,1
Оржоникидзе	100,0	100,0	98,6	41,0	99,3	75,8	80,0
Паркент	12,0	—	40,0	—	2,5	—	30,8
Пискент	67,4	18,7	41,2	—	69,0	2,4	58,8
Ўртачирчиқ	95,4	80,3	84,9	26,5	91,7	23,6	39,7
Сирдар'ё	100,0	58,7	91,2	34,5	89,8	30,3	16,5
Ўртасарой	84,6	44,7	93,0	20,8	99,6	5,8	27,6
Ховос	53,6	10,8	38,2	4,1	43,4	2,1	42,0
Чиноз	99,3	54,0	77,6	29,0	83,2	10,0	28,7
Янгийўл	100,0	80,0	91,0	4,5	97,7	32,4	7,0

Ғўза парваришидаги қолоқликни тугатайлик, бу йил давлатга камида 500 минг тонна пахта етиштириб бериш учун курашайлик!

Юқори ҳосилли звено бошлиқлари область кенгаши қатнашчиларининг областдаги барча звено бошлиқларига

М У Р О Ж А А Т И

Қадрли ўртоқлар!

Коммунистик партия ва Совет ҳукумати бу йил колхозчи деҳқонлар олдига катта ва фахрли вазифаларни қўйдилар. Ҳозирги вақтда қишлоқ хўжалик механизаторлари мамлакатга кўпроқ қишлоқ хўжалик маҳсулотлари етиштириб бериш, шаҳар ва қишлоқларнинг аҳолисини озиқ-овқат маҳсулотлари блан етарли та'минлаш, озиқ-овқат ва енгил саноат корхоналарини хомаш'ё блан та'минлаш учун ҳормай-толмай меҳнат қилмоқдалар.

Бизнинг социалистик давлатимиз қишлоқ хўжалигига жуда катта ёрдам бермоқда. Машина-трактор станцияларига тобора кўпроқ такомиллашган совет машиналари келмоқда, колхозлар ва совхозлар ўғитлар блан, қишлоқ хўжалик зараркунандаларига қарши курашиш учун керакли воситалар блан — юқори ҳосил олиш ва уни сақлаб қолиш учун зарур бўлган ҳамма нарсалар блан йилдан-йилга кўпроқ та'минланмоқда.

КПСС Марказий Комитети сентябрь Пленумининг тарихий қароридан кейин минглаб энг яхши қишлоқ хўжалик мутахассислари, инженерлар, механизаторлар қишлоққа ишлаш учун колхозларга, совхозларга, МТСларга келдилар.

Бизнинг мамлакатимизда қишлоқ хўжалигининг ҳамма тормоқлари, шу жумладан унинг энг муҳим тормоғи бўлган пахтачилик мисли кўрилмаган тез сур'атлар блан ривожланмоқда. Ўзбекистон ССР меҳнаткашлари бу йил 3 миллион тонна пахта етиштиришда ўзини оқлаган эди.

Тошкент областининг колхоз ва совхозлари 1954 йилда камида 500 минг тонна пахта етиштириб давлатга топширишлари лозим. Колхозчи ер ва аёллар-нинг, машина-трактор станциялари ва совхоз ходимларининг, қишлоқ хўжалик мутахассисларининг бутун куч-қуввати шу мақсадга эришишга қаратилмоқда.

Кўп звенолар, бригадалар, колхозлар ва совхозлар кўкламги экиш кампаниясининг дастлабки кунларидан бошлаб ғўзани тез ривожлантириш учун қизғин кураш бошладилар. Агротехника қоидаларига қат'ий амал қилинаётган жойларда, колхозчилар ва совхоз ишчилари ғўзани ўз вақтида етарлик озуқа ва сув блан та'минланишини ҳамавақт кузатиб турган жойларда, қатор оралари ўз муддатида ва юқори сифатли ишланаётган жойларда ғўзалар бир текис гуллайбошлади.

Брок областьнинг айрим колхозларида ғўзаларнинг ҳозирги аҳволи баъзи жойларда колхозларнинг раҳбарлари, бригадирлар ва звено бошлиқлари ғўза ҳосил тўплайбошлаган ҳозирги даврда пахта далаларида айниқса зўр ғайрат ва чин меҳр қўйиб ишлаш зарурлигини равшан тушунмаётганликларини кўрсатади.

Кенг майдонларда ғўзанинг ривожланиши анча орқада қолганлиги жиддий ташвиш туғдирмоқда. Қўлдан берилган ҳарбир ғаннимат кун экининг ривожланишини янада кечиктириши, пахтанинг пишишини чўзиб юбориши, йиғим-теримнинг кечикиши ва бинобарин ҳосилнинг нобуд бўлишига сабаб бўлади.

Областимизнинг колхоз ва совхозлари қишлоқ хўжалиги йилнинг энг мас'улитли ҳал қилучи даврига — ғўзанинг ҳосил олиши ва ҳосил тўплаши даврига кирдилар.

Июль — ҳосил учун курашда ҳал қилучи ой.

Вазифа — ҳар туп ғўзада мумкин қадар кўпроқ шона ва кўсаклар тўплаш ва уларни тўкилиб кетишдан сақлаб қолишдан иборат.

Агар ғўзанинг ривожланиши учун энг мувофиқ шароит яратиб берилса, бунга эришиш мумкинлиги фан ва илғор тажриба блан исбот қилинган. Тупроқ ҳамавақт юмшоқ ва нормал нам ҳолатда бўлиши, ғўзалар ўғит ва сувдан етарли миқдорда баҳраманд бўлиб туриши лозим.

Эндиликда ҳосилнинг тақдири ҳарбир бригада, ҳарбир звено, ҳарбир колхозчи ва ҳарбир совхоз ва МТС ишчисининг виждонан ишлашига боғлиқдир.

Биз областимизда ғўза қандай ривожланаётганини муҳокама қилиб шундай хулосага келдикки, пахта далаларидаги ишнинг қониқарсиз бораётганлигига сабаблардан бири звено бўлиб ишлаш принципининг бузилаётганлигидир.

Звеноларни мустаҳкамлашга, уларга кучдалик раҳбарлик қилишга э'тибор берилмаётган, звено бошлиқларининг ролига тегишли баҳо берилмаётган колхоз ва совхозларда иш сур'ати паст бўлмоқда, ғўза ёмон парвариш қилинмоқда, унинг ривожланиши кейинда қолмоқда.

Ма'лумки, ўтган йиллар давомида пахтачилик бригадаларида механизатор звено бошлиқларини ўстириш ишига катта эътибор берилди. Ҳозир областимизда 1000 дан ортиқ звено бошлиқлари ишлаб турибдилар. Бу звено бошлиқларининг кўпчилиги ўз ишларини яхши биладилар, ўз звеноларини яхши ташкил этиш тажрибаси пахтадан мўл ҳосил етиштиришда ўзини оқлаган одамлардир.

Звеноларда юзцентнерчилик — ватанпарварлик ҳаракати туғилганлиги ва бу ҳаракатга эндиликда мингларча юқори ҳосил усталари қўшилаётганлиги сра тасодифий эмас.

Брок кейинги йилларда звеноларга э'тибор камайди, уларни мустаҳкамлаш тўғрисида тегишли ғамхўрлик қилинмаётир, звеноларга раҳбарлик қилишга кўпинча тажрибасиз ва бу муҳим ишни уддалайолиш учун тайёргарлиги бўлмаган колхозчилар тайинланади. Кўп ҳолларда звеноларга тўртасида от-улов, қишлоқ хўжалик асбоблари ва минерал ўғитлар тўғри тақсим қилинмайди.

Мана шунинг учун биз далачилик звеноларини янада мустаҳкамлаш, уларнинг ишини яхши йўлга қўйиш учун ҳартомонлама ёрдам кўрсатишни энг муҳим вазифа деб та'кидлаймиз.

Ишни шундай ташкил қилиш зарурки, ҳарбир звенода илғор звеноларнинг тажрибасидан кенг фойдаланилсин, илғорларнинг қозонган муваффақиятлари барча колхозлардаги звеноларга, совхозларга, район ва областьга кенг ёйилсин. Агар колхоз правлениелари, машина-трактор станциялари ва колхозларнинг раҳбарлари звеноларнинг ишига кўпроқ э'тибор берсалар, уларга раҳбарликни кучайтирсаларгина бунга эришиш мумкин.

Республика қишлоқ хўжалик илғорларининг X қурултойида Тошкент областининг колхозлари ўз зиммаларига юксак мажбуриятлар олган эдилар: биз ўртача ҳосилни ўтган йилдагига қараганда камида 4,5 центнер оширишимиз лозим. Бу мажбуриятни муваффақиятли бажаришда биз юқори ҳосил учун, Бутуниттифоқ қишлоқ хўжалик выставкасида қатнашиш ҳуқуқига эга бўлиш учун социалистик мусобақани янада кенгайтиришимиз лозим. Юзцентнерчиларнинг шонли ҳаракати областимизда чинакам оммавий тус олиши керак. Биз область колхозларидаги ва совхозлардаги звеноларни бу ҳаракатга қўшилишга чақирамиз.

Оққўрғон районидаги Тельман номли колхознинг а'зоси юқори ҳосил устаси Маманота Қўлдошев звеноси 16 гектар пахта майдонидан 70 центнердан, Оржоникидзе районидаги Молотов номли колхознинг Ўғилой Султонова бошлиқ звеноси 12,5 гектар пахта майдонининг ҳар гектаридан 75 центнердан, Ўртачирчиқ районидаги «Ленин йўли» колхозининг Дўстбой Камолов бошлиқ звеноси 17 гектардан 90 центнердан, Бекобод районидаги Дзержинский номли колхознинг Абдулла Файзуллаев бошлиқ звеноси 8 гектардан 70 центнердан, Сирдар'ё районидаги Тарас Шевченко номли колхознинг Ҳайдар Ўринбоев бошлиқ звеноси 16 гектар пахта майдонининг ҳар гектаридан 74 центнердан ҳосил олиш учун курашмоқдалар. Биз ана шу юқори ҳосил усталаридан ўрнак олишимиз ва уларга эргашишимиз керак.

Юқори ҳосил етиштириш юзасидан қабул қилинган социалистик мажбуриятларнинг бажарилишини та'минламоқ учун далачилик звеноларини ва бизнинг ҳарбир районимиз нималарга алоҳида э'тибор беришимиз керак?

Энг асосий вазифа — ғўза парваришидаги ишларнинг ҳаммасини юқори сифатли қилиб ўтказишдир.

Далалардаги ҳамма ишлар комплекс равишда олиб борилиши, ўсишдан орқада қолаётган участкаларнинг ғўзаларини яхши ривожлантириш йўли блан, ҳосилнинг эрта етилишига эришиш лозим.

Биз июль ойида ўрта ҳисобда икки марта чуқур культивация, икки марта яхшилаб кетмон чопиги ўтказиш, минерал ўғитларга маҳаллий ўғитларни аралаштириб ғўзани бир марта озиқлантириш ва икки марта суғориш зарур деб ҳисоблаймиз.

Июль ойида ғўзани парвариш қилишда тракторларнинг иши ҳал қилучи аҳамиятга эгадир. Шунинг учун биз трактористларни культивация, ўғит солиш ва эгатлар олишни юқори сифатли ўтказишга чақирамиз.

Биз юқори ҳосил учун курашар эканмиз, пахта далаларини қишлоқ хўжалиги зараркунандаларидан сақлаш зарурлигини ҳамавақт эсда тутишимиз керак. Шунинг учун ҳарбир звенода керакли миқдорда заҳарли модда ва қўл аппаратлари тайёр туриши керак.

Минераль ўғитлардан тўғри фойдаланишга, уларни бекорга сарфламасликка, ўғит солишни кечиктириб юбормасликка жуда жиддий э'тибор бериш лозим, чунки минераль ўғитларнинг кечикиб солиниши ҳосилнинг пишишини кечиктириши мумкин.

Июль ойида ғўзани озиқлантириш учун маҳаллий ўғитлардан мумкин қадар кўпроқ фойдаланиш, маҳаллий ўғитни июльнинг биринчи ярмида далага чиқариб қўйиш керак. Далаларга маҳаллий ўғитлар фақат колхоз чорвачилик фермаларидан ва модхоналаридангина эмас, балки колхозчиларнинг ҳовлиларидан ҳам ташилиши лозим.

Областимиз колхозларида кейинги йилларда мингларча отоқли юқори ҳосил усталари етишдилар. Юқори ҳосил етиштиришда зўр муваффақиятларга эришган пахтачилик новаторлари, Социалистик Меҳнат Қаҳрамонлари Назарали Ниёзов, Лола Эрбўтаева, Тилла Туронов ва бошқаларни ким билмайди. Улар ҳали ҳам пахта далаларида меҳнат қилиб, ўз тажрибаларини бошқаларга ўргатмоқдалар ва пахтачиликни ривожлантиришга ёрдам бермоқдалар.

Бизда бир вақтлар муносиб шуҳрат қозонган, лекин турли сабабларга кўра хозирги вақтда звеноларга раҳбарлик қилишдан четланиб қолган кўп тажрибали звено бошлиқлари бор. Биз бу ўртоқларга мурожаат қилиб уларни звеноларга раҳбарлик қилишга, биз блан, барча колхозчилар блан ўз тажрибаларини ўртоқлашишга чақирамиз. Совет Иттифоқидаги пахтакор республикалар ўртасида авж олиб кетган социалистик мусобақада Ўзбекистон республикаси биринчи сафларда бориши учун биргалинда курашайлик!

Биз барча агрономларга, олимлар, механизаторлар, тажрибакорлар, юзцентнерчи — юқори ҳосил усталарига мурожаат қилиб, уларни ҳозирги мас'улиятли даврда пахтадан мўл ҳосил етиштириш учун звеноларга ёрдам беришга чақирамиз.

Ғўза парваришидаги қолоқликни тугатиш, камида 500 минг тонна пахта етиштириб давлатга топшириш — область механизаторларининг КПСС Марказий Комитети сентябрь ва февраль-март Пленумлари қарорларини бажариш учун курашдаги энг шарафли бурчидир.

Кенгашнинг топшириғига мувофиқ:

Маманота ҚЎЛДОШЕВ (Оққўрғон районидаги Тельман номли колхоздан), Дўстбой КАМОЛОВ (Ўртачирчиқ районидаги «Ленин йўли» колхозидан), Ўғилой СУЛТОНОВА (Оржоникидзе районидаги Молотов номли колхоздан), Абдулла ФАЙЗУЛЛАЕВ (Бекобод районидаги Дзержинский номли колхозидан), Ҳайдар ЎРИНБОЕВ (Сирдар'ё районидаги Тарас Шевченко номли колхозидан), Мамажон НУРМАТОВ (Мирзачўл районидаги Сталин номли колхозидан), Жаббор АКБАРОВ (Ўртасарой районидаги Свердлов номли колхозидан), Абдумалик ШЕРМАТОВ (Янгийўл районидаги Ворошилов номли колхозидан), Давлат ҚОДИРБЕКОВ (Чиноз районидаги Сталин номли колхозидан), Нуриддин ҲАЙДАРОВ (Пискент районидаги Молотов номли колхозидан), Раҳматали СУЛТОНОВ (Бўка районидаги Ленин номли колхозидан), Аҳмад ЛАТИПОВ (Октябрь районидаги Хрущев номли колхозидан).

Юзцентнерчилар ҳаракатини янада кучайтириб, пахтадан мўл ҳосил етиштирайлик

Юқори ҳосилли звено бошлиқларининг область кенгаши

Яқинда область партия комитети юзцентнерчи звено бошлиқларининг кенгашини ўтказди. Бу кенгашда илғор пахтакорлар мўл ҳосил етиштириш соҳасида ўзлари қўлга киритаётган ютуқлар ҳамда тажрибалар тўғрисида ўртоқлашдилар.

Кенгашда сўзга чиққан тажрибали, кекса пахтакорлар звено бўлиб ишлаш қулай эканлигини кўрсатиб ўтдилар.

Оққўрғон районидаги Тельман номли колхознинг а'зоси, кекса пахтакор **Маманота Қўлдошев** бирнеча йилдан бери звенога моҳирлик блан раҳбарлик қилиб келмоқда. У бошлиқ звено ҳар йили ҳам пахта тайёрлаш планини тўла ва ошириб адо этаётир. Маманота Қўлдошев ўз звеноси блан 1954 йилда камида 500 минг тонна пахта етиштириш ҳақида ҳикоя қилиб берди:

— Бу йил кўклам салқин келгани сингари ёзда ҳам ҳаво нормал исимаётир. Бунинг учун қўшимча тадбирларни амалга ошириш керак бўлади. Бизнинг звено а'золари тупроқдаги иссиқликни кўпайтириш учун маҳаллий ўғитдан кенг фойдаланмоқдалар. Биз ҳозиргача қаторларга жуда кўп миқдорда қўй қийи ва эски деворларнинг тупроқларини солдик. Шундан кейин ғўзани қондириб суғордик ва ер етилиши блан чуқур чопиқ ҳамда культивация ўтказдик.

Звено а'золаримиз блан маслаҳатлашиб бундан кейин ҳам кўп миқдорда маҳаллий ўғит тўплашга қарор қилдик. Шу мақсадда ташкил этилган «ҳосилот халтаси» блан шу кунгача 70 тонна ғўнг жамғариб қўйдик. Буни биз иккинчи сувдан олдин қаторларга соламиз.

Бекобод районидаги Дзержинский номли колхознинг звено бошлиғи, комсомол а'зоси **Абдулла Файзуллаев** нинг ишлаш афзал эканлигини кўрсатиш мақсадида комсомол-ёшлардан иборат звено ташкил этдик. Ҳозир мен бошлиқ звеноннинг 8 гектар еридаги ғўза 3 марта комплекс парварини қилинди. Ҳамма еримиздаги экин биргикесида яхши ривожланаётир. Биз бундан кейин ҳам иш сур'атини кучайтириб ва сифатини яхшилаб ғўзамизни барвақт кўсаклатиб оламиз. 70 центнердан ҳосил етиштириш тўғрисидаги мажбуриятимизни шараф блан бажарамиз.

Сирдар'ё районидаги Тарас Шевченко номли колхознинг звено бошлиғи **Ҳолдор Ўринбоев** янги ерлардан йил сайин оширилаётган тажрибалар тўғрисида сўзлаб берди.

Минбарга Янгийўл районидаги Ворошилов номли колхознинг звено бошлиғи, Социалистик Меҳнат Қаҳрамони **Абдумалик Шерматов** чиқади. У йиғилиш қатнашчиларига янгидан ўзлаштирилиб сув чиқарилган илгариги баҳорикор ерлардан 3 йилдан бери сурункасига мўл ҳосил етиштириб келаётганлигини сўзлаб берди.

Йиғилишда сўзга чиққан Чиноз районидаги Сталин номли колхознинг звено бошлиғи **Турсунқул Отамуродов,** Ўртачирчиқ районидаги «Ленин йўли» колхозининг звено бошлиғи **Дўстбой Камолов** Верхне-волинск районидаги «Қизил октябрь» колхозининг звено бошлиғи **Б. Ҳўжамбердиев** ва бошқа ўртоқлар пахтачиликда звено бўлиб ишлашнинг нақадар афзал эканлиги, бу усул тўғри амалга оширилган жойларда пахтадан мўл ҳосил етиштириш мумкин эканлигини та'кидладилар.

Юзцентнерчи звено бошлиқлари область кенгашининг қатнашчилари 1954 йилда пахтадан мўл ҳосил етиштириш учун барча тадбирларни амалга ошириб, ҳозирги кунларда ғўза парваришини янада кучайтириб юбориш зарур эканлигини кўрсатдилар. Шундан кейин кенгаш қатнашчилари областьдаги барча пахтакорларга қарата мурожаат қабул қилдилар.



Суратда: Юқори ҳосилли звено бошлиқлари область кенгашининг қатнашчилари. В. Лейн ва Б. Мазур фотоси. (ЎзТАГ фотохроникаси).

ҲИНДИСТОН ТИНЧЛИК ТАРАФДОРЛАРИ ДЕЛЕГАЦИЯСИНИНГ СССРДА БЎЛИШИГА ДОИР

Тинчликни ҳимоя қилиш Совет комитетининг таклифи билан СССРда меҳмон бўлган Ҳиндистон тинчлик тарафдорлари делегацияси 25 июньда Москвадан ўз ватанига жўнаб кетди. Бу делегация Жаҳон Тинчлик Кенгашининг вице-президенти ёзувчи Сундерлал бошчилигида келган эди.

Ҳиндистонли меҳмонлар совет халқи ҳаётининг турли томонлари билан танишдилар. Улар саноат қурилиши, қишлоқ хўжалигини ривожлантириш масалалари билан, фан, санъат ва адабиёт соҳасидаги муваффақиятлар билан қизиқиб танишдилар.

Делегация Москвадан ташқари яна Сталинградда, Тошкентда ва Ленинградда ҳам бўлди. У, Сталинград трактор заводини, В. И. Ленин номидаги кемалар қатновчи Волга-Дон каналининг иншоотларини, Тошкентдаги тўқимачилик комбинатини бориб кўрди, театрларда, музейларда, илмий муассасаларда бўлди.

Делегация аъзолари Москвадан жўнаб кетиш олдида биргаликда баёнот ёзиб қолдирдилар. Бу баёнотда уларнинг СССРда Совет давлатининг халқ фаровонлиги йўлида қилаётган ишларининг ҳамма томонлари тўғрисида етарли даражада тўла тасаввур олганликлари таъкидлаб ўтилади.

— Биз СССРда, — дейилади баёнотда, — амалда рўёбга чиққан қардошликни, тенгликни ва эркинликни кўрдик. Бу ерда ҳарбир кишига энг қимматбаҳо капитал деб қаралади ва ҳарбир кишига туғилган кунидан тортиб, то жуда кексайиб қартайгунича ғамхўрлик қилинади.

Ҳиндистонли делегатлар совет кишиларининг тинчлик мактубини ўз ватандошларига топширажакларини, совет халқи сингари ўз ватандошлари ҳам халқаро муносабатлардаги кескинликнинг камайтирилишига эришишга ҳаракат қилаётганликларини айтдилар.

Внуково аэродромида делегацияни тинчликни ҳимоя қилиш Совет комитетининг вакиллари кузатиб қолдилар. (ТАСС).

Швейцарияга борган совет ансамбли «Берёзка»нинг муваффақиятли концертлари

ЖАНВА, 25 июнь. (ТАСС). Сталин мукофоти лауреати Надежда Надеждина раҳбарлигидаги совет рақс ансамбли «Берёзка»нинг Швейцарияда концертлар бераётганлиги тўғрисида илгари хабар қилинган эди.

Ансамбльнинг концертлари катта муваффақият билан ўтмоқда.

Жанвадаги «Ла гранж» паркининг ёзлик театрида кеча ансамбль концерт берди. Концертда 3 мингдан кўпроқ тамошабин бор эди, улар совет рақс усталарини гулдурос қарсаклар билан олқишлади. Театр залига қўшимча равишда бирнеча юз стул қўйилганлигига қарамай, концертга киришни истаганлардан кўп кишига театрда жой топилмай қолди. Ансамбльнинг концертдаги ҳарбир номери олқишлар билан кутиб олинаверди, номерларнинг кўпчилиги икки мартадан ижро этилди.

Ансамбльнинг Цюрихдаги ва Базелдаги концертлари ҳам шундай катта муваффақият билан ўтди.

Швейцария матбуоти ансамбльни мақтаб мақолалар ёзмоқда.

Ансамбль томонидан 24 июньда Жанвада берилган концертда Вьетнам Демократик Республикаси бош министрининг ўринбосари Фам Ван Донг, СССР ташқи ишлар министрининг ўринбосари В. В. Кузнецов, Хитой Халқ Республикаси ташқи ишлар министрининг ўринбосари Ли Кэ-нун, СССРнинг Швейцариядаги элчиси Ф. Ф. Молочков, СССР, Хитой Халқ Республикаси ва Вьетнам Демократик Республикасининг Жанва кенгашидаги делегацияларининг аъзолари қозир бўлдилар.

Концертдан кейин Жанва шаҳар идорасининг бошлиқлари совет ансамбли шарафига қабул маросими ўтказдилар.

ВЕНГРИЯДА ҒАЛЛА ЎРИШ БОШЛАНДИ

БУДАПЕШТ, 25 июнь. (ТАСС). Мамлакатнинг кўп районларида бошоқли экинларни ўриб-йиғиб берадиган кўпгина янги машиналар олди. Ўтган йил кооператив ва давлат хўжаликларида 1.200 комбайн ва ўрилган ғаллани боғлаб берадиган 2.843 та машина ишлаган эди. Бу йил шу хўжаликларнинг далаларида 2 минг комбайн ва ўрилган ғаллаларни боғлаб берадиган 3.100 тадан кўпроқ машина ишлайди. Янка деҳқон хўжаликларини майда деҳқончилик асбоблари билан таъминлаш яхшиланди. Қишлоқ матлубот жамиятлари йиғим-терим даврида деҳқонларга хизмат кўрсатмоқ учун кўчма дўконлар ташкил қилмоқдалар.

Польшада олий таълим ривожланмоқда

ВАРШАВА, 25 июнь. (ТАСС). Польша Халқ Республикасининг олий ўқув юртларида ўқув йили тамом бўлмоқда. Ўн мингдан йигитлар ва қизлар охирги имтиҳонларини топширмоқдалар.

Ҳозирги вақтда мамлакатда 85 та олий ўқув юрти бор, уларда 140 мингга яқин студент ўқитилмоқда. Ваҳоланки, урушга қадар мамлакатда 27 та олий мактаб бор эди ва бу мактабларда 48 минг студент ўқир эди.

Поляк студентларининг составн тубдан ўзгарди. Ишчи оилаларидан чиққан студентларнинг процентн урушгача бўлган вақтдагига нисбатан қарийб 18 баравар кўпайди, деҳқон оилаларидан чиққан студентларнинг сони эса — қарийб 17 баравар кўпайди.

Ҳозирги вақтда олий ўқув юртлари ҳузурида 225 та ётоқхона бор. Бу эса, студентлар учун ташкил қилинган ётоқхоналарнинг урушгача бўлган сонига қараганда бирнеча баравар кўп. Мамлакатнинг кўпгина шаҳарларида студентлар шаҳарчалари қурилмоқда.

Урушгача бўлган даврда студентларнинг фақат 5,1 процентн стипендия олар эди. Ҳозирги вақтда студент ёшларнинг 75 процентга яқини давлат стипендияларини олмоқда.

Ташқи ишлар министрларининг Жанва кенгаши

ЖАНВА, 25 июнь. (ТАСС) Бугун тўққиз делегациянинг ёпиқ мажлисида Ҳинди-Хитойда тинчликни тиклаш масаласини муҳокама қилиш давом этди. Шу масала устида бундан кейинги ёпиқ мажлис 29 июньда бўлади.

Гватемаладаги воқиаларга доир

БЕРЛИН, 25 июнь. (ТАСС). «Нейес Дейчланд» газетаси бугун эълон қилган хабарида Лондон радиосининг 23 июньда эшиттирган хабарига асосланиб, қуйидагиларни ёзади: Гватемалага ҳужум қилган интервенциячиларнинг шайкалари ўзлари АҚШдан олган қурол-яроғлар билан таъминланганлар. Шу билан бирга бу шайкаларнинг кўпчилиги Ғарбий Германияда тайёрланган қурол-яроғлар — янги пулеметлар ва карабин милтиқлар билан қуролланган.

Хабарда айтилишича, Американинг Ассошиэйтед Пресс агентлиги берган хабарга кўра, Гватемалага бостириб кирган интервенциячи қўшинларнинг колонналаридан бирига гитлерчилар вермахтининг (қўшинининг) собиқ полковниги Эрнст Хайтман қўмондонлик қилмоқда.

Газета правдасида бундай деб ёзади: Ҳозирги вақтда «Бланк маҳкамасида» (Бонн ҳарбий министрлиги шундай ном билан юритилади. — **Редакция**) ошкоч равишда тузилаётган планларда интервенциячиларнинг шайкаларига юбориб турган қурол-яроғлардан ташқари яна Гватемалага Ғарбий Германиядан ёлланма қўшинлар ҳам юбориш имкониятини Бонн империалистларига бериш кўзда тутилади.

ГВАТЕМАЛА АРМИЯСИНИНГ АГРЕССИЯГА ҚАРШИ ҚУРАШДАГИ МУВАФФАҚИЯТЛАРИ

ЛОНДОН, 25 июнь. (ТАСС). Рейтер агентлигининг мухбири Гватемала армияси қўмондонлигининг қуйидаги ахборотини билдиради: Ҳозирги вақтда Гватемала армияси уруш ҳаракатлари бўлиб турган жойлардаги стратегик пунктларнинг ҳаммасига ўзи контрольлик қилиб турибди. Гватемала армиясининг қўмондонлиги 24 июньда айтганки, ҳукумат қисмлари Пуэрто-Барриосни «тўла равишда ўз контрольлари остида» сақлаб турибдилар. Пуэрто-Барриосда ҳам, Пуэрто-Барриосдан 60 миля наридаги Гуалан шаҳрида ҳам босқинчиларнинг битта ҳам таянч пункти қолмади. Ахборотда 24 июнь туш пайтигача 12 соат ичида бўлган уруш ҳаракатлари баён қилинган.

Ахборотда айтилишича, ҳукумат қисмлари Пуэрто-Барриосдаги қаршиликни енгиб, «босқинчиларнинг ҳаводан етказиб берилган қурол-яроғлар билан яхши таъминланган» таянч пункти — Моралес томонига қараб ҳужум қилиб бормоқдалар. Ахборотда айтилишича, Моралес ҳукумат қўшинлари қўлига ўтган, шаҳар атрофи душмандан тозаланган. Армия қўмондонлигининг хабар беришича, душман катта талафот кўрган. Қурол-яроғлар, портловчи моддалар ва бошқа ҳарбий анжомлар қўлга туширилган. Ахборотнинг охирида айтилишича, душман самолётлари 23 июнь кечқурун пойтахт тепасига учиб келмаганлар.

ПАРИЖ, 25 июнь. (ТАСС). Франс Пресс агентлиги мухбирининг Гватемала шаҳридан хабар беришича, республика президенти Арбенс матбуот вакиллари учун берган баёнотида, Гватемалага бостириб кирган босқинчиларнинг қилган жиноятларини қаттиқ қоралаган. Босқинчилар граждан шахсларни, асосан деҳқон комитетларининг аъзоларини ва касаба союз раҳбарларини отиб ўлдираберганлар. Баёнотда айтилишича, бананзор районларда унчалик яхши қуролланмаган маҳаллий касаба союз раҳбарлари «ўзларини охиргача ҳимоя қилиб» ниҳоят даражада қаҳрамонлик кўрсатганлар.

ГВАТЕМАЛАДА ИНТЕРВЕНЦИЯЧИЛАРГА ЗАРБА БЕРИЛМОҚДА

НЬЮ-ЙОРК, 25 июнь. (ТАСС). Ассошиэйтед Пресс агентлиги хабар беради: Гватемала армияси қўмондонлигининг радио орқали эшиттирилган ахборотида бундай дейилади: «Душман катта талафот берди. Душман қўшинларидан кўп киши, шу жумладан турли миллатлардан бўлган ажнабийлар ва бироз миқдорда гватемалилар ҳукумат қўшинларига асир бўлиб тушдилар».

Гватемала радиостанцияси ҳукумат қўшинларининг ҳамма фронтларда олдинга қараб ҳаракат қилаётганлигини билдирмоқда.

Ассошиэйтед Пресс агентлиги мухбирининг Тегусигальпадан (Гондурас пойтахтидан) берган хабарига қараганда, бугерда, интервенциячиларнинг ҳужуми «бўғилиб қолди». Гватемала деҳқонлари интервенциячиларни қўллаб-қувватламади ва бу ҳол бостириб кирган қўшинларнинг планларини барбод қилди, деб ҳисобламоқдалар.

ГВАТЕМАЛА МАСАЛАСИНИНГ ХАВФСИЗЛИК КЕНГАШИДА МУҲОКАМА ҚИЛИНИШИГА ДОИР

НЬЮ-ЙОРК, 25 июнь. (ТАСС). «Нью-Йорк таймс» газетаси Вашингтон мухбирининг хабар беришига қараганда, тинчликни таъминлаш бўйича америкаараро комитетнинг Гватемала томонидан Гондурас ва Никарагуа устига қўйилган айбларни ўз жойига бориб текшириш тўғрисидаги таклифини Гватемала рад қилган. Гватемала элчихонасининг вакили, менинг ҳукуматим Бирлашган Миллатлар Ташкилоти Хавфсизлик Кенгашининг ҳозирги ишни муҳокама қилаётганига асосланиб, мазкур таклифни рад қилди, деб айтган.

ИНДОНЕЗИЯДА ГВАТЕМАЛАДАГИ ИНТЕРВЕНЦИЯГА ҚАРШИ НОРОЗИЛИКЛАР

ЖАКАРТА, 25 июнь. (ТАСС). Индонезия халқи Гватемаладаги интервенцияга қарши норозилик билдирмоқда. Индонезия касаба союзлари марказий федерациясининг раҳбарлиги федерация аъзолари бўлган 2,5 миллион киши номидан Эйзенхауэрга ва Бирлашган Миллатлар Ташкилотига телеграмма юбориб, Америкаининг қилаётган агрессиясидан ғоят ғазабланганлигини билдирди.

Бирлашган Миллатлар Ташкилотига юборилган телеграммада бундай дейилади: Индонезия меҳнаткашлари Гватемаладаги агрессияни қоралайдилар ва интервенцияни тўхтатмоқ ҳамда Гватемаланинг миллий суверенитетини гарантиламоқ учун дарҳол чоралар кўришни талаб қиладилар.

Индонезия касаба союзлари марказий федерациясининг раҳбарлиги Гватемала ҳукуматига ҳам телеграмма юбориб, ўзининг Гватемала халқи билан ҳамжиҳат эканлигини билдирди.

«Харian рақьят», «Син по», «Берита Индонезия» ва бошқа газеталар АҚШнинг Гватемаладаги ҳаракатларини қатиқ танқид қилмоқдалар.

ХИТОЙ БЛАН ИНДОНЕЗИЯ ЎРТАСИДА САВДО МУЗОКАРАЛАРИНИНГ БОШЛАНИШИ ОЛДИДАН

ЖАКАРТА, 25 июнь. (ТАСС). Хитой Халқ Республикасининг ташқи савдо министри ўринбосари Кун Юан бошчилигидаги савдо делегацияси Жакартага келганлиги муносабати билан жамоатчилик ва матбуот ҳукуматни Хитой Халқ Республикаси билан энг яқиндан муносабатлар боғлашга чақирмоқда.

«Син по» газетаси ўзининг бошмақаласида, Қўшма Штатлар томонидан бундан бирнеча йил аввал мажбуран жорий қилинган эмбарго сиёсати Индонезия экономикасига жуда катта зарар етказди, деб ёзади. Агар бизнинг ҳукуматимиз, деб ёзади газета, Цейлон сингари эмбаргодан воз кечганда эди, бу нарса ҳеч шубҳасиз, жуда катта фойда берган бўлар эди. Энди ҳаммага маълум бўлиб қолдики, эмбарго фақат АҚШгагина манфаат етказади, чунки АҚШ Шарқи-Жанубий Осиё мамлакатларидан каучук ва бошқа хомашёларни ўзи қўйган нарх билан олиш имкониятига эга бўлди. Бунинг натижасида АҚШ жуда кўп фойда олмоқда. Эмбарго снёсатига хотима бериш пайти келди, деб ёзади правдида газета.

«Дута машаракат» газетаси ҳам шу мазмундаги фикрларни баён қилиб, ҳукуматни Хитой Халқ Республикаси билан ўзаро манфаатдорлик асосида кенг савдо муносабатлари ўрнатишга чақиради.

Машҳур жамоат арбоби Диапарининг баёноти матбуотда эълон қилинди. Шу баёнотда таъкидлаб айтилишича, Индонезия эмбаргодан бутунлай ва абадий воз кечиши лозим, чунки эмбарго Совет Иттифоқи билан ва халқ демократияси мамлакатлари билан бўладиган савдо-сотиққа тўсқинлик қилмоқда.

Хабар беришларича, 28 июньда Жакартада Хитой Халқ Республикаси делегацияси билан Индонезия делегацияси ўртасида музокаралар бошланади.

ЧЕРЧИЛЛ БЛАН ИДЕН ВАШИНГТОНГА КЕЛДИЛАР

ВАШИНГТОН, 25 июнь. (ТАСС). Буюк Британия бош министри Черчилль ва ташқи ишлар министри Иден АҚШ президенти Эйзенхауэр билан музокаралар олиб бормоқ учун бугун Вашингтонга келдилар.

АҚШНИНГ ЭРОНДАГИ ҲАРБИЙ ТАЙЁРГАРЛИКЛАРИ

ТЕҲРОН, 25 июнь. (ТАСС). Эронда чиқадиган «Равшан фикр» журнали ёзади: ўтган йил Америка томонидан Эронга берилган ҳарбий ёрдам 22 миллион долларни ташкил қилган эди, бу йил эса бу ёрдам кўпайтирилиб, 28 миллион долларга етказилди. Броқ, фараз қилишларича, ҳақиқатда бериладиган ҳарбий ёрдам 35 — 40 миллион долларга етса керак».

АҚШ ЭРОННИ ЎРТА ШАРҚ БЛОКИГА ТОРТМОҚДА

ТЕҲРОН, 25 июнь. (ТАСС). Эронда чиқадиган «Оҳанги нав» газетасининг ёзишига қараганда, АҚШ давлат департаменти Эрон бўлимининг Теҳронга келган бошлиғи Стосмэн Эроннинг Ўрта Шарқ «мудофаа» ташкилотига киришига қандай қаршиликларни аниқлаш мақсадида «ғайрирасмий музокаралар» олиб боради.



Ватанимиз — авиация ватанидир. Бизда халқимиз саноатимиз ва қишлоқ хўжалигимиз учун энг зарур бўлган нарсаларни фақатгина поезд ва машиналардагина эмас самолётларда ҳам ташилади.

Ҳар куни Тошкент аэродромидан ўнлаб самолётлар мамлакатимизнинг турли шаҳарларига учиб кетадилар. Шунингдек, бошқа шаҳарлардан ўнлаб самолётлар Тошкентга учиб келадилар.

Мана бу сиз кўриб турган самолёт Ватанимизнинг пойтахти гўзал Москвага ва Ленинград, Таллин, Рига каби йирик шаҳарларга қатнайди. У ҳаргал бу ердан клубнай, гилос, олча, ўрик, олма сингари меваларни олиб кетади ва у ердаги қардошларимизни Ўзбекистондан борган бу мевалардан татиб кўришга муяссар этади, дўстлик ипларн янада маҳкамроқ боғланади.

Суратда: Москва, Ленинград, Таллин ва бошқа шаҳарларга олиб бориш учун Тошкент аэропортида самолётга ҳўл мева ортилмоқда.

И. Душкин фотоси (ЎзТАГ фотохроникаси).

Олимнинг юбилейи

Тошкент темир йўл транспорти инженерлари институти юк ташиш ва комерция ишлари кафедрасининг мудири М. Д. Гордоннинг илмий-педагогик фаолиятига 40 йил тўлди. У, ҳозирда Ўрта Осиё темир йўлларида муваффақиятли ишлаб турган кўп сонли инженер кадрларни тарбиялаб етиштирди. М. Д. Гордон темир йўл транспортида юк ташишнинг муҳим масалаларига бағишланган 30 дан ортиқ илмий ишини нашр этдирди. Шу билан бир қаторда у Тошкент темир йўли торозибонларининг илғор иш тажрибаларини оммалаштириш, айниқса пахта толаси ва уруғлик чигитни ташиб келтиришни енгиллаштириш бўйича анча ишлар қилди.

Техника фанлари кандидати, доцент М. Д. Гордон «Шавқатли меҳнати учун» медали ва икки марта «фахрий темирйўлчига» эзначоги билан мукофотланган.

Яқинда темир йўл транспорти инженерлари институти жамоатчилиги ўртоқ Гордоннинг туғилганига 60 йил, илмий педагогик фаолиятига 40 йил тўлган кунни тантанали суратда нишонлади.

Журналист кадрлар

В. И. Ленин номидаги Ўрта Осиё Давлат университети филология факультетининг журналистика бўлимини 28 киши битириб чиқди. Студентлар пухта тайёргарлик кўриш натижасида давлат имтиҳонларидан муваффақиятли ўтдилар. В. Абдуллаев, Р. Халилова, З. Исроилов, К. Рўзиева, Т. Пидаев, С. Тоҳиров, М. Мирҳамидов каби 11 студент билетлардаги саволларга давлат комиссияси олдида яхши жавоб бериб, университетни аъло баҳолар билан битирдилар.

Ёш журналистлар республикамиздаги марказий ва область газеталарида ишлайдилар.

Уй-жой ва маиший бинолар қурилиши

Яқинда республикамизнинг пойтахти — Тошкентда ўнга яқин уй-жой бинолари фойдаланишга топширилди. Булар орасида Ворошилов номидаги «Ташсельмаш» заводининг 2 та саккиз квартирали уй-жой биноси ва шу корхонанинг 100 ўринли болалар боғчаси биноси, Луначарский шоссесида қад кўтарган уй-жой бинолари ва бошқалар бор.

Бу йил кўпгина муассаса ва ташкилотлар кўп миқдорда уй-жой бинолари қуришга киришдилар. Ана шуни назарда тутиб, шаҳар Совети ижроия комитетининг мажлисида кўпқаватли уй-жой бинолари қуриш учун электротехника заводига, киностудияга, аравасозлик заводига, Ўрта Осиё политехника институтига, пахтачилик бўйича давлат махсус конструкторлиги бюроси (ГСКБ)га, Тўқимачилик институти ва бошқа муассасаларга ер участкалари ажратилди.

Заводларда китоб киоскалари

1-нчи Узбеккниготорг магазинн шаҳардаги бирқанча саноат корхоналарида сайёр китоб киосклари ташкил қилди. Бундай киосклар Сталин номли тўқимачилик комбинати, «Под'емник», «Таштекстильмаш», «Ташсельмаш» заводлари, 1-нчи пойафзал фабрикаси, шунингдек олимлар Уйи ва темир йўлчилар маданият саройида ташкил этилди.

Бу киосклар қисқа муддат ичида 25 минг сўмлик савдо қилдилар, маҳаллий газета ва журналларга обуналар ўтказдилар.

Қутубхоналар учун қўлланма

Ўзбекистон Давлат нашриёти Ю. Григорьевнинг «Қутубхоначилик ёзуви», Л. Троповскийнинг «Кичик кутубхоналар учун қисқача ўнли классификация жадваллари» номли қўлланмаларини ўзбек тилида нашр этди.

Бу қўлланмалар кутубхоналар ишини тартибга солиш ва ўқучиларга китобларни тез топиб беришда кутубхоначиларга катта қулайлик туғдиради.

Қардош республиканинг заказлари муддатидан илгари бажарилди

СССР Қишлоқ хўжалик Министрлигининг топшириғига мувофиқ «Узбексельмаш» заводи 10-нчи июльгача Арманистон республикасининг қишлоқ хўжалиги учун 112 та транитор машиналарини ишлаб бериши керак эди.

Завод коллективи қардош республика заказига катта масъулият билан қаради. 1,6 ва 30-нчи цехларнинг ишчи ва инженер техник ходимлари юқори меҳнат унуми билан ишладилар. Токарьлардан Файзиев, Сурков, мастер Исломов, слесарь Конил ва бошқа ўртоқлар ўз нормаларини икки хиссадан ортириб бажардилар. Завод коллективининг фидокороna меҳнати натижасида заказ муддатидан уч ҳафта илгари — 20 июньда бажарилди.

Савдо шохобчалари кенгаймоқда

Шаҳарда озиқ-овқат моллари билан савдо қилучи магазинлар сони ой сайин кўпаймоқда.

Яқинда Муқимий кўчасида 10-нчи, Шпильковская кўчасида 35-нчи озиқ-овқат магазинлари очилди. Бу магазинлар турли хил озиқ-овқат маҳсулотлари билан кенг кўламда савдо қилмоқда.

Шунингдек шаҳарнинг Самарқандарбоза, Полиграф, Каганович, Ҳамза ва бошқа кўчаларида ҳаммаси бўлиб 26 та озиқ-овқат магазинлари бинолари қурилмоқда. Бу магазинлар яқин фурсат ичида очилиб, аҳолига намунали хизмат қилабошлайди.

Қишлоқ маданий-оқартув муассасаларига ёрдам

Ўзбекистон ССР Маданият министрлиги маданий-оқартув муассасалари Бош бошқармасининг метод кабинети маданият ходимларига ёрдам тариқасида қишлоқ маданий-оқартув муассасаларига долмий равишда брошюралар ва инструктив хатлар юбормоқда.

Сўнгги вақтлар ичида маданий-оқартув ишларини планлаштириш, энг яхши колхоз клублари, кутубхоналар, дала шийпонларининг иш тажрибалари, табиий-илмий билимларни пропаганда қилиш, колхоз деворий газеталари редколлегиясининг ишларини ташкил этиш, қуйи физкультура коллективлари ҳақида материаллар нашр қилинди.

Ҳозир Тошкент область, Янгийўл районидаги 1-нчи МТС механизаторлари ўртасида олиб борилаётган маданий-оқартув ишларининг тажрибаси тўғрисидаги брошюра нашрга тайёрланмоқда.

Ўзбекистон биринчилиги учун футбол мусобақалари

Шу кунларда республика стадионларида Ўзбекистон биринчилиги учун футбол мусобақаларининг сўнгги учрашувлари ўтказилмоқда.

Тошкент Округ Офицерлар Уйи футболчилари Самарқанд «Динамо» командаси билан учрашдилар. Учрашув 5:0 ҳисоби билан самарқандлилар фойдасига ҳал бўлди. Офицерлар Уйи командаси билан Самарқанд «Спартак» командаси ўртасидаги ўйинда армия футболчилари 4:3 ҳисоби билан ғалаба қозондилар.

Тошкент ёшлар спорт мактабининг командаси ва Чирчиқ «Торпедо» футболчилари ўртасида бўлган ўйинда торпедочилар 1:0 ҳисоби билан ғолиб чиқдилар.

Тошкент «Динамо» командаси билан Самарқанд «Спартак» командаси ўртасидаги учрашув 2:1 ҳисоби билан динамочилар фойдасига ҳал бўлди.

Мусобақа лидерлари Тошкент «Динамо» командаси билан Чирчиқ «Химик» командаси ўртасидаги ўйин қизғин кураш лар билан ўтди. Бу учрашув да 2:0 ҳисоби билан тошкентлилар ғалаба қозондилар.

Мусобақада ҳали ҳам Тошкент «Динамо» ва Чирчиқ «Химик» жамоаларининг футболчилари олдинда бормоқдалар.

Бугун Тошкент спорт базаларида

«Пишчевик», «Локомотив», «Торпедо» ва «Медик» стадионларида Тошкент шаҳар биринчи группа клуб командаларининг биринчилиги учун футбол мусобақалари бўлади. Учрашувлар соат 9 да бошланади.

«Динамо» стадионида Ўрта Осиё ва Қозоғистон республикалари «Буревестник» кўнгилли спорт жамиятларининг ва «Локомотив» жамияти Дорожний советининг биринчилиги учун енгил атлетика мусобақалари ўтказилади. Мусобақалар соат 18 да бошланади.

Ўрта Осиё ва Қозоғистон республикалари «Буревестник» жамиятларининг спорт гимнастикаси бўйича мусобақалари Тошкент Офицерлар Уйи паркида, сузиш мусобақалари эса «Буревестник» сув станциясида ўтказилади. Мусобақалар соат 17.30 минутда бошланади.

Бугун Горький номли паркда республика ёшлар командалари ўртасида биринчилик учун шахмат ва шашка мусобақалари бўлади, Тошкент ёшлари эса эркин кураш бўйича мусобақалашадилар. Кеч соат 19 да шу паркнинг ўзида Тошкент олий ўқув юртлари IX спартакиадасининг ёпилиш маросими бўлади.

Кеч соат 21 да Тошкент давлат цирки биносида Қирғизистон ва Ўзбекистон терма командалари ўртасида бокс бўйича ўртоқлик учрашувлари уюштирилади.

Редактор З. ЕСЕНБОЕВ.

ТЕАТР ВА КИНОЛАРДА:

ҲАМЗА НОМЛИ ТЕАТРДА (ёзги бино) — 27/VI да **Алишер Навоий**, 29/VI да **Қутлуғ қон**.

МУҚИМИЙ НОМЛИ ТЕАТРДА (қишки бино) — 27/VI да **Тоҳир ва Зуҳра**, 28/VI да **Полтавали Наталка**.

ПУШКИН НОМЛИ ПАРК (ёзги театр)— 27/VI да **Ўзбекистон давлат эстрадаси артистларининг концерти**. Концертда Ўзбекистон халқ ҳофизлари А. Ҳайдаров ва Т. Каримовлар қатнашади. Концерт кеч соат 9 яримда бошланади.

ҚИШКИ КИНОТЕАТРЛАРДА:

«РОДИНА», «ЕШ ГВАРДИЯ», (кеч соат 6 гача), НАВОИЙ номли (кундуз соат 3 дан кеч 6 гача), СОБИР РАҲИМОВ номли, «ИСКРА» (кеч соат 8-20 минутгача), «ЎЗБЕКИСТОН», «КОМСОМОЛ 30 ИИЛЛИГИ» (кеч соат 8 гача), «ЎЗБЕКИСТОН 25 ИИЛЛИГИ» — **Мардлик мактаби**.

«ЕШ ГВАРДИЯ» — кеч соат 6, 8 ва 10 да **Сепли тўй**.

«ИСКРА» — кеч соат 9 дан **Рақс ўқитучиси**.

«КОМСОМОЛ 30 ИИЛЛИГИ» — кеч соат 10 да **Қиз кўришишга ошиқмоқда**.

ЁЗГИ КИНОТЕАТРЛАРДА:

«ВАТАН», НАВОИЙ номли, «ИСКРА», «ХИВА», «УДАРНИК», ТЕЛЬМАН номли, КИРОВ номли — **Мардлик мактаби**.

ИЛМИЙ-ОММАБОП ФИЛЬМЛАР КИНОТЕАТРИ — 1) **3-нчи кинотўплам**, 2) **Селигер кўли**.

«ОКТЯБРЬ» — **Мариннинг қисмати**.

ДОИМИЙ ИШЛАШ УЧУН

Металларни механик усулда ишлаш, темирчилик ва сварка ишлари учун технолог **инженерлар** ва **техниклар**, ускуналарнинг проектини тузиш учун **конструктор инженерлар** ва **техниклар**, **металлург инженерлар**, **вентиляция установкалари учун мутахассислар**, юқорида кўрсатилган мутахассисликларга **старший мастерлар** ва **мастерлар**.

КЕРАК

Чирчиқ шаҳар, Ленин кўчаси, 100-нчи уйда «Чирчиксельмаш» заводининг кадрлар бўлимига мурожаат қилинсин.

Тошкент шаҳар, Чиғатой кўча, Муҳокама проезд, 4-нчи тупик, № 14-а уйда туручи **Мар'ям Маннопованинг** Ҳожи Раҳматуллаевдан ажралиш ҳақидаги иши Тошкент область судида кўрилади.

РЕДАКЦИЯ ВА НАШРИЁТ АДРЕСИ: Тошкент. «Правда Востока» кўчаси, № 34. РЕДАКЦИЯ БЎЛИМЛАРИНИНГ ТЕЛЕФОНЛАРИ: коммутатор — 36334 ва 33262 орқали Партия турмуши бўлими — 136, Пропаганда бўлими — 157. Совет қурилиши бўлими — 132. Маданият бўлими — 132, Адабиёт ва санъат бўлими — 39040, Қишлоқ хўжалик бўлими — 155, Саноат ва транспорт бўлими — 136, Хатлар бўлими — 132 Секретариат — 34048, Эълонлар бўлими — 38142

Р 01772. «Қизил Ўзбекистон», «Правда Востока» ва «Ўзбекистона сурх» бирлашган нашриётининг босмахонаси. Нашр. № 1363.